БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 14 (1792)
19 ЯНВАРЬ
ПАЙШАНБА
1961 йил
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1961 йил 18 январда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кун тартибидаги иккинчи масалани — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилишни тамомлади ва тегишли қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори Пленум ишида иштирок этган ҳамма ўртоқлар томонидан якдиллик билан маъқулланди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Суслов докладини тинглади. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бу масала юзасидан қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Г. И. Вороновни (КПСС Оренбург область комитетининг секретари) ва ўртоқ В. В. Гришинни (ВЦСПС раиси) КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат қилиб сайлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

16 январда КПСС Марказий Комитети Пленумида кун тартибининг иккинчи масаласи ҳақидаги докладларни муҳокама қилишдавом этди.

КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Л. Н. Ефремовга** сўз берилади. У айтадики, етти йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида областдаги колхоз ва совхозларда ғўшт етиштириш бир ярим баравардан зиёд ва сут етиштириш 22 процент ортди. Ўтган йили қора мол туёғи шундан аввалги йилдагига нисбатан 7 процент, чўчқалар сони эса 19 процент кўпайди.

Н. С. Хрушчев. Кейинги йилларда Горький областидаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи қай даража ортди? Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан кўра даромадлар кўпроқ ортган бўлса керак?

Л. Н. Ефремов. Бу тўғри, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрушчев. Масаланинг моҳияти ана шунда. Козьма Прутков айтганидек, илдизига қара!

Л. Н. Ефремов. Сизнинг хатингиз муносабати билан биз иш ҳақининг ортиши ва аҳолининг бошқа даромадлари соҳасидаги иш қандай аҳволда эканлигини таҳлил қилиб кўрдик. Иш ҳақи ва бошқа даромадлар областда тахминан 3 миллиард сўмни ташкил этади.

Н. С. Хрушчев. Қанча сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирдингиз? Уч миллиард сўмдан ортиқми, ёки кам?

Л. Н. Ефремов. Анча кам етиштирдик.

Н. С. Хрушчев. Аҳолининг эҳтиёжлари қондириладиган даражага эришмоқ керак. Одамлар иш ҳақини кўзачага солиб қўймайдилар-ку.

Л. Н. Ефремов. Бу тўғри гап, аҳолининг эҳтиёжлари жуда ўсиб кетди, шу сабабли, Никита Сергеевич, биз маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин суратда оширамиз.

Н. С. Хрушчев. Ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ўсаётганлиги тўғрисида гапирмоқда. Ўсиш бор, аммо, бюрократларнинг ўсиш бор, аммо, бюрократларнинг енгил ҳаёт кечириш учун бу билан хотиржам бўлишлари мумкин. Бюрократлар шундай мулоҳаза қилишлари мумкин: бизда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳали етишмаётган экан, у вақтда иш ҳақининг ўсишини сунъий равишда тўхтатиб туриш керак. Аммо, бу бизнинг йўлимиз эмас, биз бу йўлдан бормаймиз. Бу — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланишни ва зўр бериб ҳаракат қилишни истамайдиган бюрократлар йўлидир. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Ефремов айтадики, Горький областида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш даражаси ҳали паст. Ўтган йили колхоз ва совхозларда ҳар 100 гектар экин майдони ҳисобига ғўшт етиштириш атиги 25,8 центнерни ва сут етиштириш 119 центнерни ташкил этди. Областда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг туб асосий масалалари ҳал этилмаганлиги, ҳосилдорлик оширилмаганлиги, ялпи дон ҳосили кўпайтирилмаганлиги, чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланмаганлиги ва чорва моллар сони зарур миқдорда ортмаганлиги натижасида бундай аҳвол рўй берди.

Сигирлар сонини кўпайтириш мақсадида, деди нотиқ, колхоз ва совхозларнинг фермаларида 158 минг бузоқ таналб олинди ва боқувга қўйилди. Чорва молларнинг нобуд бўлишини тугатиш сигирларнинг қисир қолишини камайтириш, бўрдоқига боқишни яхши ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Нотиқ илғор хўжаликларнинг яхши ишлаётганликларига доир ёркин мисоллар келтиради. Бу мисоллар Горький области қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда жуда катта имкониятларга эга эканлигини исбот қилади. Масалан, Городецкий районидаги Тимирязев номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. А. Емельянов) ҳар йили муттасил мўл ҳосил етиштирмоқда. Бу колхоз ўтган йили 100 гектар экинзор ҳисобига 111 центнер ғўшт ва 342 центнер сут тайёрлади.

Н. С. Хрушчев. Яхши!

Л. Н Ефремов Богородский районидаги «Искра» колхозига энг кекса раис Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Павел Михайлович Демин раҳбарлик қилмоқда... Никита Сергеевич. Сиз бу колхозда бўлгансиз.

Н. С. Хрушчев. Павел Михайлович Деминни мен яхши биламан ва унинг чиройлик соқолини ҳам кўрганман. У киши шу ердами?

Л. Н. Ефремов. Бугун — йўқ, кейинги вақтларда у касал эди.

Н. С. Хрушчев Унинг тез согайиб кетишини истаймиз.

Кўпгина ажойиб кишиларнинг тажрибалари, деб сўзини давом эттирди ўртоқ Ефремов, областдаги колхоз ва совхозларда жуда катта резервлар борлигини исбот этади. Масалан, Городецкий районидаги «Красная маяк» колхозининг чўчқа боқувчиси А. И. Рогожкина ўтган йили 1100 бош чўчқани бўрдоқига боқди; Салганский районидаги «Рассвет» колхозининг сут соғувчиси А. В. Воронкова ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 5376 килограмм сут согиб олди. Илғор иш гажрибаларига доир кўпгина ажойиб мисоллар бор. Биз, деди нотиқ, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун ана шу тажрибадан кенг фойдаланишимиз лозим.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Ефремов! Колхоз қишлоғидаги ана шу илғор кишилар бизнинг пешқадам кишиларимиздир. Ана шу кишиларга тенглашиш керак. Шу сабабли одамларни ташкил этиш, омманинг мусобақасини уюштириш, илғорларга тенглашиш керак.

Л. Н. Ефремов. Биз худди шу тарзда иш олиб борамиз.

Сўнгра ўртоқ Ефремов экин майдонларининг структурасидаги ўзгаришлар тўғрисида гапиради. Кейинги йилларда сули майдонлари қарийб икки баравар қисқартирилди. Бунинг ўрнига вика-сули ва нўхат-сули аралашмаси экиладиган майдонлар кенгайтирилмоқда. Областнинг тупроғи унумдор бўлган жанубий ва шарқи-жанубий районларда кузги буғдой ва крупа экинлари майдонлари кенгайтирилди. Кўп хўжаликларда нўхатдан мўл ҳосил олинмоқда. Масалан, «Власть Советов» колхозида 263 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,7 центнердан нўхат олинди.

Н. С. Хрушчев. Яхши. **(Қарсаклар)** Ўртоқ Ефремов, Сизни ва бошқа ўртоқларни огоҳлантиришни истар эдим: бюрократ мосланишга жуда устадир. Масалан, биз сулидан кам ҳосил олинади ва вика-сули аралашмасини экиш керак деймиз. Аммо, бу аралашма турли пропорцияда бўлиши ҳам мумкин. Сули экиш ва бир ховуч викани ҳам сочиб юбориш мумкин. Бюрократ ўз ишини қилди ва энди хотиржам бўла олади. У вика-сули аралашмаси экилдек бўлди, аммо - ерда вика йўқ, сулигина бор. Ана шундай кўзбўямачилик билан экишга йўл қўймангиз. Бизга экининг анчайин номи эмас, балки у берадиган ем-хашакнинг миқдори керак. Бу асосий кўрсаткичдир.

Л. Н. Ефремов. Никита Сергеевич, биз бунга эътибор берамиз.

Сўнгра нотиқ айтадики, Горький областидаги колхоз ва совхозлар бу йил маккажўхори экиладиган майдонларни кенгайтирадилар, маккажўхори майдонини 130 минг гектарга етказадилар. Ҳар гектар ердан камида 300 центнердан силос массаси олиш вазифаси қўйилди.

Н. С. Хрушчев. Бу рақам унча катта бўлмаса ҳам, буни табриклаймиз. **(Қарсаклар).** Кўриб турибман, ўртоқ Орловский жилмаяпти, мана қандай паст мажбуриятлар олмоқдалар, деб ўйласа керак. Ўртоқ Орловский, Сизда қанча ҳосил олинмоқда?

Орловский. 620 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 635 центнердан.

Сўнгра ўртоқ Ефремов айтадики, областда қора шудгор қилинган ерларга экиш тобора кўпайтирилмоқда. Бу йил ана шундай экин майдонлари 300 минг гектарни ташкил этади. Тажриба шуни кўрсатадики, дейди у, илғор колхозлар шудгор қилинган ерларда ўз вақтида экиб йигиштириб олинган маккажўхори ва вика-нўхатдан кейин кузги экинлар экиб яхши ҳосил олмоқдалар.

Нотиқ ўз нуткининг охирида бундай деди: Горький областида кўзбўямачилик, алдамчилик каби ҳоллар бўлган эди Горький партия ташкилоти, дейди у, ана шу шармандали ҳолларга узил-кесил ҳотима бериш ва келгусида бунга йўл қўймаслик учун барча чораларни кўрмоқда.

Қарийб тўрт минг метр баланд жойда ташкил этилган «Пограничник» колхозининг раиси ўртоқ **Т. А. Акунов** Тянь-Шань чорвадорлари номидан Коммунистик партия Марказий Комитетига, Никита Сергеевич Хрушчевга колхозчилар саломини топширади.

У ўтган йили қишнинг чўзилиб кетганлиги ва қалин қор ёққанлигини айтди ва колхоз меҳнаткашлари ана шундай оғир шароитга қарамай коммунистлар бошчилигида чорва моллар сонини кўпайтириб, 10 минг центнердан кўпроқ, яъни уч йиллик план миқдорида ғўшт етиштириб, давлатга сотганликлари тўғрисида, бошқа маҳсулотларнинг ҳаммасини етказиб бериш планини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида гапиради. Чорва моллари боқиб семиртириш ишлари ташкилий суратда олиб борилди ва давлатга чорва моллларнинг 80 процентидан кўпроғи юқори семизликда сотилди. Қорамолнинг ўртача вазни (тирик ҳолида) 390 килограммни, қўйнинг вазни 60 килограммни ташкил этди.

Ўртоқ Акунов Россиянинг ана шу собиқ чекка ўлкасида аҳолининг фаровонлиги қандай ўсганлиги, экономика ва маданият қандай юксалганлиги тўғрисида гапиради. Колхозчилар Ильич чироқлари билан ёритилган яхши, шинам уйларда яшайдилар. Кейинги икки йил ичидагина икки юзга яқин уй қурилди. Бизда клуб, радиоузел, туғруқхона, ўрта мактаб (интернати билан), ҳаммом бор.

Колхоз раиси Тянь-Шанда қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш тўғрисидаги фикрларни айтади. Тянь-Шандаги табиий-иқлим шароити, бепоён табиий яйловларнинг борлиги майин жунли қўйларни ва қора молни кўпроқ парвариш қилиб ўстириш имконини беради. Кам талаб кўтасдан эса ғўштдан ташқари яхши қуюқ сут ҳам олиш мумкин.

Ўртоқлар, дейди нотиқ, 1961 йил жуда муҳим йил бўлади. Маълумки, бу йилда партиямизнинг XXII съезди ўтказилади. Биз, Тянь-Шань чорвадорлари ҳам қарздор бўлиб қолмаймиз. Колхоз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари ҳали фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятларни ишга соладилар, етти йиллик план топшириқларини барча кўрсаткичлари бўйича муддатидан илгари бажаришни, ғўшт етиштириш бўйича топшириқни эса 1962 йилда бажаришни таъминлайдилар.

Свердловск область ижроия комитетининг раиси **К. К. Николаев** сўзга чиқади. У айтадики, Свердловск области типик саноат областидир. Лекин шундай бўлса ҳам қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлидаги умумий курашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ўтган йили областда 92 минг тонна ғўшт, 279 минг тонна сут ва 100 миллион дона тухум харид қилинди. Ғўшт харид қилиш йиллик плани 165 процент, сут харид қилиш плани 107,4 процент ва тухум харид қилиш плани 150 процент бажарилди.

Н. С. Хрушчев. Сут камроқ бўлибди-да.

К. К. Николаев. Бу тўғри, Никита Сергеевич. Биз бу ишни йўлга қўйиш учун зарур чоралар кўрамиз.

Нотиқ айтадики, область 1960 йилда ғўшт етиштиришда етти йиллик планнинг контроль рақамларида 1964 йилга мўлжалланган даражага, тухум тайёрлаш бўйича эса 1962 йил даражасига эришди.

Н. С. Хрушчев. Бу шуни кўрсатадики, етти йиллик план тузилган вақтда барча имкониятлар ҳисобга олинмаган, ва шу сабабли бир қанча кўрсаткичлар бўйича ва баъзи область ҳамда республикалар бўйича қишлоқ хўжалиги юзасидан тузилган планлар анча кам бўлиб чиқди.

К. К. Николаев. Никита Сергеевич, сентябрь Пленумидан кейин биз 27 минг тонна ғўшт тайёрладик, ҳозирги вақтда эса 92 минг тонна тайёрламоқдамиз. Бизнинг областимизда ҳам ҳақиқатан катта имкониятлар борлигини кўриб турибмиз.

Н. С. Хрушчев. Модомики, шундай имкониятлар бор экан, бу имкониятларни қандай рўёбга чиқара олишингизни амалда кўрсатингиз.

Сўнгра ўртоқ Николаев айтадики, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ўсиб боргани ҳолда, областимиз икки йил ичида давлатга планда кўрсатилган 6 миллион пуд ўрнига 15 миллион пуд галла сотди.

Нотиқ область партия ташкилотининг эътибори Н. С. Хрушчевнинг Свердловск области аҳолини ўзида етиштириладиган чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш учун мавжуд имкониятлардан яхшироқ фойдаланиши лозим деган кўрсатмасини бажаришга қаратилганлигини таъкидлайди. Аммо, деди у, ҳамма иш қилинган деб бўлмайди. Ғўшт етиштиришни кўпайтириш учун чўчқалар сони анча кўпайтирилади, парандачилик кенг ривожлантирилади.

Ўртоқ Николаев парандачилик ҳақида гапириб, бу соҳада қандай имкониятлар борлигини Камишловский райони ва бошқа районларнинг мисолида кўрсатиб беради. Камишловский районида ўтган йили давлатга 537 минг ўрдак, 328 минг товуқ ва 12,3 миллион дона тухум топширди. Камишловскийликлар юз гектар дон майдони ҳисобига 54,7 центнер парранда ғўшти ва 49.5 минг дона тухум етиштирдилар. Кубандаги юксак кўрсаткичларга Уралда ҳам эришиш мумкин эканлиги кўриниб турибди, деб таъкидлайди нотиқ.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Кабарда-Балқар АССР, Лескен районидаги Ленин номли колхознинг раиси ўртоқ К. К. Тарчоковга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

Кўп йилдан буён маккажўхори донидан мўл ҳосил олиб келаётганлиги, маккажўхорининг яхши сифатли гибрид уруғларини етиштирганлиги учун, колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришганлиги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин суратда кўпайтириш вазифасини ҳал этишга катта ҳисса қўшганлиги учун Кабарда-Балқар АССР Лескен районидаги Ленин номли колхознинг раиси ўртоқ Камбулат Бицуевич **Тарчоковга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Урок ва Болга»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1961 йил, 17 январь.

КПСС XXII СЪЕЗДИ шарафига

Суратда: КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин авж олдираётган Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси коллективининг пешқадам ишчиларидан Собира Мухторова (чапда) ва Рая Содиқова ўртоқлар. Улар смена нормасини 125 процентдан ошириб бажармоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Ленинградликлар ташаббуси асосида

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг коллективи шонли анъаналарга бой. Республикамизнинг энг кекса корхоналаридан бири ҳисобланган бу завод новаторлари яна бир ажойиб ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар.

Яқинда корхона клубида завод новаторларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Ленинград саноат корхоналарининг социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ишига кўпроқ ҳисса қўшиш мақсадида оталиқдаги колхоз ва совхозларга техника ёрдами кўрсатишни кучайтириш ҳақидаги ташаббусини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда оталиққа олинган Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхоз механизаторларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялашда техника ёрдами беришни кучайтириш мақсадида 11 кишидан иборат новаторлар кенгаши ташкил этилди.

Корхона новаторлари колхоз ва совхозларга техника ёрдами беришни кучайтиришга чақириб, республикамиз пойтахтидаги барча саноат корхоналари коллективларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Ҳозирги пайтда мавжуд техника ремонтининг бориши ва кўнлам экиш кампаниясига тайёргарликни текшириш ва шу асосда бериладиган ёрдам йўлларини аниқлаш мақсадида оталиқдаги колхозга новаторлар кенгашининг аъзоларидан бир группаси жўнаб кетди.

Ж. МАҲМУДОВ,

ВАТАН БИЗНИ МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИ ДЕБ АТАЙДИ

СССР Большой театрида концерт

МОСКВА, 17 январь. (ТАСС). Большой театр бугун ёшларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Унда ва қизлардан икки минг киши — металлург ва металлистлар, қимёгар ва бинокорлар, қишлоқ хўжалик механизаторлари ва энергетиклар, пазандалар ва тикувчилар КПСС Марказий Комитети Пленумининг қатнашчилари учун концерт бердилар. Россия Федерацияси профессионал-техника билим юртларининг ўқувчилари ёшларни ўргатувчи турмушда, ўқишда, меҳнатда уларга ўрнак бўлаётган кишилар учун ўз санъатларини ҳадя қилдилар.

Концерт СССР халқ артисти Б. Смирнов томонидан айтилган «В. И. Ленининг «...Коммунизмни амалий ишимиз учун қўлланма қилиб олайлик»,— деган сўзлари билан бошланади. Кенг саҳнада совет кишиларига таниш бўлган «В. И. Ленининг комсомолнинг III съездида нутқ сўзлаётган пайти» деган сурат намоён бўлади.

Советлар мамлакатининг ёш авлоди қаҳрамонона ишлар эстафетасини йиллар оша олиб келди.

Ёшлар жонажон Ильич шаънига мадҳия ўқиб, А. Холминовнинг «Ленин ҳақида ашула»сини айтадилар. Жуда кўп кишилик терма хор (дирижер В. Соколов) бамисоли бир кишидек равон ижро этар эди, 600 кишидан иборат ёшларнинг овози янграб эшитилади.

Қўшиқ ва музика ёшларнинг ажралмас йўлдошидир. Ёшларнинг санъатга бўлган иштиёқи жуда катта. Рус халқ чалғу асбоблари терма оркестрида (дирижер С. Колобков) ёш музикачилардан 250 киши қатнашди. Бошқирдистон, Бурятистон, Доғистон, Карелия, Коми, Марий, Мордва ва бошқа автоном республикалардан, Россиянинг кўпгина областларидан келган неча юзлаб ёш санъаткорлар мамлакат халқларининг дўстлиги ва қардошлигини ифодаловчи рақс сюитасида иштирок этади. (Бу сюитани И. Слуцкер саҳналаштирган).

Болалар овози ашуладаги «Қўшида ҳам, ишда ҳам илғор бўлайлик» деган сўзларни бамисоли қасамёд айтгандек такрорлайди. Бу ашулани Москва ўқувчиларидан иборат ўғил болалар ансамбли ижро этади.

Ёш артистлар шу оқшом кўпгина нарсаларни ижро этдилар.

Сира муболағасиз айтиш мумкинки, меҳнат ва ёшлик пафосидан сўғорилган шу ажойиб концертнинг кўпгина номерлари улкан санъатдан жиддий суратда далолат бериб турар эди. Д. Шостаковичнинг музикаси эсосида яратилган ва Москва балет коллективи томонидан кўрсатилган рақс сюитасидан фрагментлар бунинг далили эди.

«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти спорт коллективларининг чиқишлари. Челябинск, Москва, Горький областлари ва Краснояр ўлкаси ўқувчиларининг цирк томошалари чинакам маҳоратли ишланганлиги билан ажралиб турар эди. Худди металлдан қуйилгандек, бақувват, чақкон, довюрак йигит ва қизлар саҳнада гўё станок ёнида туриб меҳнат қилаётгандек «ишлайди».

Ёш артистлардан Р. Пирогова (Ленинград), А. Разухин (Москва) Л. Васина (Пенза), Б. Б. Ухтияров (Липецк) ва бошқалар классик ария ва халқ қуйларини маҳорат билан ижро этдилар.

Тинчлик аҳли ишга отланинг!— Деймиз сизга қатъий ва дадил: Олтин бугдойзорлар мавж урсин Камол топсин бахтиёр ёшлар!

В. Мурадели ашулясидаги шу сўзлар зал гумбазлари остида янграйди. Ашуладаги сўзларни Ленинград меҳнат резервлари техникумини тамомлаб чиққан Евгений Синицин ёзган. Концертда иштирок этган ёшлар бараварига: «Йўқолсин уруш!» деб хитоб қиладилар.

Бутун зал Советлар мамлакатининг ёшлари шаънига гулдурос қарсак чалади. Концертда ҳозир бўлган А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, П. Н. Поспелов, Я. Э. Калнберзин, А. П. Кириленко, В. П. Мжаванадзе, М. Г. Первухин ўртоқлар, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси Н. Н. Органов ҳам залдаги ҳамма кишилар билан биргаликда қарсак чаладилар.

Концерт тамом бўлди. Концерт қатнашчилари партия ва давлат раҳбарларига гулдасталар тақдим этдилар.

„Лаосда тинчлик тиклансин!“

МОСКВА, 17 январь. (ТАСС). Лаос королларининг ҳукуматининг бош министри шаҳзода Суванна Фума СССР Министрлар Советининг раиси Н. С. Хрушчевга мактуб билан мурожаат қилиб, бу мактубда Лаос масаласини ҳал қилиш учун халқаро кенгаш чақириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Кейинги вақтларда Н. С. Хрушчев ва шаҳзода Суванна Фума бу масала юзасидан бир-бирларига мактуб юборган эдилар.

Совет ҳукумати, дейилади Н. С. Хрушчев мактубида, Лаосда вужудга келган вазият муносабати билан сизнинг чуқур ташвишланаётганлигингизни тўла тушунади. Бу вазият Лаос халқининг миллий мустақиллигига, шунингдек бутун Шарқи-Жанубий Осиёдаги тинчлик ва хавфсизлик ишига жиддий хавф туғдирмоқда. Кейинги кунлардаги фактлар шу нарсадан яна бир марта шубҳасиз далолат берадики, Лаосдаги вазиятнинг кескинлашувига асосий сабаб АҚШ ҳукуматининг Лаос ҳақидаги Женева битимларини бузиб, мамлакатингизнинг ички ишларига кўпол равишда аралашаётганлигидир.

СССР Министрлар Советининг Раиси айтадики, АҚШ нинг кейинги кунларда Лаос мустақиллигини тугатиш Лаосни СЕАТО-нинг таянч, базаларидан бирига айлантириш мақсадида Лаосга қарши тўғридан-тўғри интервенция амалга оширишга, бунда ҳатто Лаос халқи қонининг тўкилиши олдида ҳам тўхтамасликка қаратилган тадбирларни кўраётганлиги барча тинчликсевар халқларни жиддий ташвишлантирмасдан қола олмайди.

Н. С. Хрушчев ўз мактубида, жумладан, шу нарсани эслатадики, Совет ҳукумати АҚШ ва унинг СЕАТО ҳарбий блоки бўйича айрим иттифоқчилари Лаос халқига нисбатан қилаётган агрессив ҳаракатлари натижасида рўй бериши мумкин бўлган оқибатлар учун оғир масъулият хусусида АҚШ ҳукуматига огоҳлантириш билан мурожаат қилди.

Совет ҳукумати, деб кўрсатади Н. С. Хрушчев, 1954 йилда Женевада бўлиб ўтган кенгаш типида давлатлар кенгашини шошилинч тарзда чақириш тарафдоридир.

Мактубнинг охирида айтиладики, Совет ҳукумати Сиз ҳазрати олийлари бошлиқ Лаос короллиги ҳукумати билан биргаликда Лаос масаласи юзасидан мазкур кенгашни чақириш ҳамда Лаосда мумкин қадар тезроқ тинчлик ўрнатишга, Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган шарт-шароитда у билан ҳамкорлик қилиш мақсадида ҳамма зарур чораларни кўришга тайёрдир.

Целлюлоза-қоғоз саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши

МОСКВА, 17 январь. (ТАСС). Бугун Союзлар уйининг Колонна залида целлюлоза-қоғоз саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Целлюлоза-қоғоз саноатининг қолоқлигини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалани муҳокама қиладилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг топшириғига мувофиқ кенгашни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин очди.

Кенгашда СССР Госплани Раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Орлов доклад қилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Р. Козлов иштирок этмоқда.

Бирма мустақиллигининг 13 йиллиги

МОСКВА, 17 январь. (ТАСС). Бирма мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Бирма Иттифоқининг бош министри У Ну бир-бирларига телеграмма юбордилар.

Н. С. Хрушчев қатъий ишонч билдириб айтадики, эрксевар Бирма халқи тинчлик учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, мустамлакачиликнинг сўнгги қолдиқларини тугатиш учун олижаноб курашда бундан буён ҳам озодлик ва тараққиёт учун курашчилар билан бир сафда туриб ҳаракат қилади.

У Ну жавоб телеграммасида СССР ва Бирма ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши ҳақида истак билдиради.

* * *

Бирма миллий байрами муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Бирма Иттифоқининг президенти У Вин Маунг ҳам бир бирларига телеграмма юбордилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

(Боши биринчи бетда)

Н. С. Хрушчев. Тўғри.

Биз, деди ўртоқ Николаев, бирмунча тажриба тўплаб, парранда гўшти етиштиришни янада кўпайтириш ниятидамиз. Гўшт етиштиришни кўпайтириш учун қуёнчилик каби резервдан ҳам фойдаланилади.

Свердловск областининг колхоз ва совхозлари 1965 йилда гўшт етиштиришни 210 минг тоннага ва сут етиштиришни 1 миллион тоннага ҳамда тухум етиштиришни 500 миллион донага етказишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўядилар.

Область ижроия комитетининг раиси Пленумда бир қанча масалаларни кўтаради. Бу масалаларни ҳал этмоқ учун СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг ёрдам кўрсатиши талаб этиладиқ. Жумладан, у областда қишлоқ хўжалик майдонларига эҳтиёж катта эканлиги тўғрисида гапиради. Ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, бу областда жуда тез ўзлаштирилиши мумкин бўлган 300 минг гектарча ер бор. Нотиқ бу масалани қараб чиқишни ва янги ерларни ўзлаштириш планида буни кўзда тутишни, бунинг учун колхоз ва совхозларга зарур техника ажратиб беришни СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетидан илтимос қилади.

Ўрток Николаевнинг фикрича, область саноати кишлок хўжалигини ва биринчи галда чорвачиликнинг кўп меҳнат талаб этадиган оғир процессларини механизациялаш сохасида кўп иш қилмоғи керак. Область шароитида асосий программани бажаришга зарар етказмаган ҳолда унча мураккаб бўлмаган машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кўп меҳнат талаб этадиган, барча ишларни икки йил мобайнида тамомила механизациялаш ва электрлаштириш учун тўла имконият бор. Бунинг учун халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида пландан ташқари ишлаб чиқарилган металлнинг бир қисмидан областимизнинг колхозларига керакли машина ва механизмлар ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланишга руҳсат бериш керак.

Н. С. Хрушчев. Бу, сизлар учун эҳтимол, фойдалидир. Масалан, Воронеж учун қандай бўлади?

К. К. Николаев. Никита Сергеевич, биз Воронеж учун ҳам тайёрлашга розимиз. Аммо рухсат бўлмасдан туриб, буни тайёрлай олмаймиз.

Нотиқ Урал минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги масалани кўтаради. Уралдаги қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти, дейди у, баъзи хўжаликлар билан ҳамкорликда майдаланган мартен шлакларидан минерал ўғит сифатида фойдаланишни бир неча йиллар бўён синаб кўрмоқда. Бу шлакларда оҳакдан ташқари яна кўп миқдорда фосфор, шунингдек микроэлементлар — марганец, мис ва кобальт бор. Булар тупроқнинг унумдорлигини оширишга жуда яхши таъсир кўрсатади. Нотиқ 600 минг тонна мартен шлакларини майдалаш учун Нижне Тагилда капитал қурилишга ажратилган маблағ доирасида завод установкаси қуриш учун Свердловск Халқ хўжалиги кенгашига рухсат берилишини сўрайди. Менинг фикримча, дейди у, бундай резервлар бошқа областларда ҳам бор.

Н. С. Хрушчев. Биз буни тавриклаймиз, бу яхши иш.

Ўрта Урал меҳнаткашлари, дейди Ўрток Николаев, йиғилиш ва митингларда етти йиллик топшириқларини амалга ошириш муддатларини қисқартириш юзасидан янги мажбуриятлар олмоқдалар. Улар Марказий Комитет январь Пленумининг қарорларини шараф билан бажариш ва партиянинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун ўз кучларини аямайдилар.

Татаристон АССР даги Абдулла Тўқай номли колхознинг раиси Ўрток **Г. Н. Гарифуллин** минбарга чиқади. Нотиқ айтадики, Ватанимиз қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари каби, Тўқай номли колхоз аъзолари ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар 1953 йилда, дейди у, давлатга 30 минг пуд ғалла сотилган бўлса, 1960 йилда 52 минг пуд ғалла сотилди. Колхозда қанд лавлаги мутлако етиштирилмас эди. Колхоз ўтган йили давлатга 2437 тонна қанд лавлаги сотди. Шу йиллар ичида гўшт сотиш 17 баравар, сут сотиш 34 баравар, тухум сотиш эса 20 баравар кўпайди.

Шу маълумотлардан яққол кўриниб турибдики, деб таъкидлайди Ўрток Гарифуллин, бизнинг колхозимиз 1953 йилда қолоқ эди. Тўғри, биз ҳозир ҳам илғор хўжаликлардан кейинда қолганмиз, аммо ишлаб чиқаришни юксалтириш юзасидан олинган суръатлар бизнинг колхозимиз етти йиллик планни гўшт ва сут етиштириш даражаси бўйича шу йилнинг ўзидаёк бажаради, деб айтиш имконини беради.

Сўнгра нотиқ илғор сут согувчилар ва чўчка боқувчиларнинг муваффақиятлари тўғрисида гапиради. Татар деҳконлари, дейди у, илгариги вақтларда чўчқачилик билан шуғулланмаганликлари маълум. Бу сохада диний таассубнинг таъсири кучли эди. Эндиликда бизнинг республикамизда чўчқачилик чорвачиликнинг етакчи тармоғи бўлиб қолди.

Ўрток Гарифуллин мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш тўғрисида гапириб айтадики, ўтган йили об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай, колхоз 1700 гектар ернинг ҳар гектаридан 15 центнердан дон олди. Ҳар гектар ердан 750 центнердан кўпроқ ем-хашак ва маккажўхори сўтаси олинди. Етти йилликнинг учинчи йилида янада кўпроқ ҳосил етиштиришга қарор қилдик. Колхозчилар ҳар гектар ердан 120 пуддан дон етиштириш учун қурашишга аҳд қилдилар. Нўхот ва тариқ экиладиган майдонлар кўпайтирилади. Дон учун 100 гектар ерга ва силос бостириш учун 200 гектар ерга маккажўхори экилади.

Н. С. Хрушчев. Сизда маккажўхорининг дони пишиб етиладими?

Г. Н. Гарифуллин. Дон ўрнида ишлатиладиган маккажўхори ҳам пишиб етилади. Бу соҳада бирмунча тажрибамиз бор.

Н. С. Хрушчев. Тажрибангиз борми? Бу яхши.

Ердан фойдаланишда эгасизликни тугатиш, деб таъкидлайди нотиқ, ялпи дон ҳосилини ошириш ва бошқа экинларнинг ҳосилини кўпайтириш учун катта аҳамиятга эгадир. Олтой галлакорларидан ўрнак олиб, ҳар бир трактор бригадасида механизациялашган звеноларни ташкил этилди. Чопиқ қилинадиган экинлар ва бошқа экинлар ана шу звеноларга бириктириб берилди. Механизаторларнинг меҳнат ҳақи ҳосилга боғлиқ қилиб қўйилди.

Кейинги уч йил ичида 205 колхозчи оиласи янги уйларга кўчиб кирди. Уйларнинг ҳаммаси радиолаштирилган. Яхши клубимиз бор. Колхознинг куйи билан янги мактаб биноси қурилмоқда. Кўп колхозчилар кечки мактабда ўқимоқдалар. Ишларнинг ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди.

Колхозчилар, дейди нотиқ, жамоат хўжалигини янада ривожлантириш йўллари тўғрисида фикр юритиб, шундай хулосага келдилар: Кўп масалаларни муваффақиятли ҳал этиш ишлаб чиқариш воситаларидан тўғри фойдаланишга, хўжалик ҳисобини жорий қилишга ва маблағларни тежаб сарфлашга боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалигини механизациялашни юксак даражага кўтариш, маҳсулот етиштириш учун меҳнат сарфини камайтириш зарур. Бошқа кўп масалалар ҳам ўртага қўйилмоқда. Бу масалаларни колхозчилар нинг съездида муҳокама қилиш маъқул бўлур эди.

Украина Компартияси Запорожье область комитетининг биринчи секретари Ўрток **В. В. Скрябин** қуйидагиларни айтди: Областнинг колхоз ва совхозлари маккажўхори билан алмашлаб экиш йўллига қатъий ўтиб олдилар. Ўтган йили 400 минг гектардан кўпроқ ерга ана шу қимматли экин экилди. 237 минг гектар майдонда маккажўхори дони йиғиштириб олинди. Колхоз ва совхозлар икки йилдан буён ерни шудгор қилмай экин экиб келмоқдалар. Колхоз ва совхозлар шудгор қилиб қўйилган ерларга маккажўхори экмоқдалар ва ана шу ерлардан жамоат қорвачилигининг озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида фойдаланмоқдалар.

Запорожьеда 444 минг тонна маккажўхори дони олинди. Бу, ҳар бир гектар ерга ҳисоблаганда 17,3 центнерданга тўғри келади. Ҳосилнинг бу миқдори, деб қайд қилади нотиқ, жуда кам ва маккажўхорини яхши парваришқилишга тааллуқли кўп сонли мисоллар областнинг ҳақиқий имкониятларини кўрсатиб беради. Мисол учун, Верхнехортицкий районидаги «Коммунар» колхози 722 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,5 центнердан маккажўхори дони, Гуляйпольский районидаги Ленин номли колхоз 950 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан маккажўхори дони олди. Айрим звенолар бундан ҳам кўпроқ ҳосил етиштирдилар. Гуляйпольский районидаги «Заповит Ленина» колхози трактор бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўрток Мартиненко 213 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51 центнердан маккажўхори дони олди.

Н. С. Хрушчев. Бу қайси район?

В. В. Скрябин. Гуляйпольский райони.

Н. С. Хрушчев. Областнинг шарқи-жанубидаги районми?

В. В. Скрябин. Мутлақо тўғри.

Н. С. Хрушчев. Гуляйпольскийликлар яхши ҳосил етиштирганлар. Бунга иқлим ва тупроқ шароитининг жуда қулай бўлганлиги орқасида эмас, балки фақат меҳнат билан эришилди.

В. В. Скрябин. Бу, ишга фақат меҳнатсеварлик билан қараш орқасида эришилди.

Н. С. Хрушчев. Жанубий районларда ёз фасли шимолдагига қараганда қурғоқчилроқ бўлса ҳам бу районларда мўл ҳосил олинмоқда. Бинобарин, ҳосил аввало, иқлим ва тупроққагина эмас, балки кишиларга боғлиқ бўлади.

В. В. Скрябин. Жуда тўғри гап.

Н. С. Хрушчев. Сизларнинг ерларингиз яхши, одамларингиз ҳам яхши. Раҳбарлари бир ер ниқтаб қўйиш керак, холос. Шундай қилганда иш юришиб кетади.

Сўнгра нотиқ айтадики, ем-хашак базаси маккажўхори экиш ҳисобигагина эмас, балки қанд лавлаги майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш йўли билан ҳам мустаҳкамланади. Ўтган йили озуқа учун биринчи марта 13 минг гектар ерга қанд лавлаги экилди ва ҳар гектар ердан 159 центнердан ҳосил олинди.

Н. С. Хрушчев. Жуда яхши. Сизда ҳар гектар ердан 70-60 центнердан картошка олинмоқда. Демак, қанд лавлаги икки баравар кўпроқ ҳосил берар экан-да. Ҳар гектар ердан олинадиган озуқа единицаси картошкага нисбатан икки ярим баравар ортиқ бўлади. Бу эса чорвачилик учун ем-хашак базасини вужудга келтиришда асос қилиб олишингиз лозим бўлган йўлни ҳам кўрсатиб беради.

В. В. Скрябин. Никита Сергеевич, биз бу йил ҳам озуқа учун қанд лавлаги экамиз. Қанд лавлаги майдонини икки баравар кўпайтирамиз.

Н. С. Хрушчев. Картошка ҳам етиштириш керак, аммо айни вақтда қанд лавлаги ҳам экиш лозим. Самогон пиширишга қарши курашни сусайтирмасликни маслаҳат бераман, чунки қанд лавлаги самогон пишириш учун яхши материалдир. Хонаки вино пиширувчилар буни яхши биладилар. (Залда жонланиш).

В. В. Скрябин. Тўғри гап.

Н. С. Хрушчев. Самогон пиширувчиларни қидириб топиб, уларни меҳнатга бўйин ёр бермайдиган унсурлар сифатида ўз орангиздан ҳайдаб чиқаришингиз керак. (Қарсаклар).

Сўнгра Ўрток Скрябин Запорожье области ғалла тайёрлаш планини ошириб бажарганлигини ва давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотишни кўпайтирганлигини маълум қилади. Аммо хўжаликлар оriқ чорва молларни топшириб келдилар. Нотиқ 1959 йилдаги ҳосилсизлик натижасида ем-хашак етишмаганлиги туфайли шундай аҳвол рўй берганлигини айтади. Ўтган йили, дейди Ўрток Скрябин, кузги экинларнинг бир қисми нобуд бўлганлиги орқасида катта майдонларга маккажўхори экишга тўғри келди. Аммо жанубда экинлар зич ва қалин экилган эди, бу ерларда ҳар гектар ерда кўп деганда 25 минг туп бўлиши керак эди.

Н. С. Хрушчев. Тўғри айтасиз, Ўртоқ Скрябин. Илгари бу масалани ўрганиб чиққан эдилар. Жанубий районларда квадрат 80X80 ёки ҳатто 90X90 сантиметр бўлиши керак, чунки у ерларда намлик етишмайди. Украинлар буни эсда тутишлари керак, чунки биз бу масалани бир вақтлар муҳокама қилган эдик.

Колхоз ва совхозлар, дейди Ўрток Скрябин, 1961 йил марраси ни белгиладилар. Аввало, маккажўхори ҳисобига дон етиштиришни 33 процент кўпайтиришга қарор қилиндиқ. Давлатга 1960 йилдагидан 19 минг тонна кўпроқ гўшт, 53 минг тонна кўпроқ сут 11 миллион дона кўпроқ тухум сотилади. Колхоз ва совхозлар 116 минг бош қорамолни ва 300 мингдан кўпроқ чўчқани бўрдоқиға боқмоқдалар. Областдаги хўжаликлар бу йил 5 миллион ўрдак ва ғоз боқиб ўстирадилар.

Н. С. Хрушчев. Мен бир вақтлар ғалла ўрим-йиғим пайтида Михайловский районида бўлган эдим, кечқурун далада жуда кўп гозларни кўрдим. Мен нима учун шундай, деб сўрадим, ахир гозларни сув бор жойда кўришга одатланиб қолганмиз-ку, гозлар сув паррандаси-ку. Аммо запорожьеликлар қуруқ майдонда ғоз боқиб ўстирган эканлар. Мен бу ҳар сизнинг гозларингизмиз, деб сўрадим. Йўқ, бу гозлар совхоз ишчиларининки, дедилар. Совхозда эса битта ҳам ғоз йўқ экан. Маълумки, ҳосил ҳар қанча яхши йиғиштириб олинганида ҳам майдонда ҳамиша анча дон қолиб кетади. Совхоз ишчилари буни пайқаб, ғоз боқа бошлаганлар.

Ўрток Скрябин айтадики, Михайловский райони каби бирорта ҳам катта қўлга эга бўлмаган Веселовский районида ҳам 150 минг ғоз боқиб ўстирилади.

«Запорожсталь» заводининг ишчилари, дейди нотиқ, КПСС XXII съезди шарафига юксак мажбурият олдилар. Улар қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун йиллик пландан ташқари 12 минг тонна чўян, 15 минг тонна пўлат эритиш ва 8 минг тонна прокат тайёрлаб беришга аҳд қилдилар. Ўрток Скрябин партия Марказий Комитетини ишонтириб айтадики, Запорожье область шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари КПСС нинг навбатдаги съездини муносиб кутиб оладилар, ўзларининг куч, маҳорат ва ғайратларини севикли Ватанга бағишлайдилар.

КПСС Краснодар ўлка, Каневский район комитетининг секретари Ўрток **А. С. Колесниковга** сўз берилади. Ўтган йили, дейди нотиқ, об-ҳаво шароити жуда оғир бўлди. Гаримсел кўп экинларни нобуд қилди. Революциядан илгариги эски Россияда бундай воқеалар кишининг ҳаётида энг мудҳиш деб ҳисобланган очарчиликка муқаррар сабаб бўлар эди.

Ана шундай табиий офат рўй берганлигига қарамай, район партия ташкилоти, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари давлатнинг ёрдами билан ҳамма қийинчиликларни енгдилар ва анча яхши натижаларга эришдилар. 65 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,5 центнердан дон ҳосили олинди. Биз давлатга 4,6 миллион пуд дон, шу жумладан бир миллион пуддан кўпроқ маккажўхори, гибрид уруғлари сотдик. Маккажўхори биз учун нажот бўлди, деб айтиш мумкин.

Районда чорва моллар сони ортмоқда, колхозларнинг даромадлари кўпайди. Бу даромадлар ўтган йили чорак миллиард сўмни (эски пул ҳисобида) ташкил этди, 1959 йилдагига нисбатан қариб 50 миллион сўм кўп бўлди.

Район меҳнаткашлари 1960 йилда 2,8 миллионта парранда боқиб ўстирдилар. Бундан ташқари 200 минг макиён бор. Бир йил ичида 3,4 минг тоннадан кўпроқ парранда гўшти, шу жумладан 2.650 тонна ўрдак гўшти етиштирилди. Ҳар 100 гектар дон майдони ҳисобига тайёрланган парранда гўшти 46,4 центнерни ташкил этди.

Нотиқ партия XX съездидан кейин районда паррандалар кўп миқдорда етиштирила бошланганлигини айтади. Беш йил ичида етти миллион донадан кўпроқ парранда, шу жумладан 4,8 миллион ўрдак боқиб ўстирдик. Биз бу ишга киришганимизда бутун районда атиги 12 минг ўрдак бор эди.

Районимиз, дейди Ўрток Колесников, бошқа областлар ва республикаларга макиён паррандалар юбориб ёрдам кўрсатмоқда. Бошқа область ва республикаларга қарийб 300 минг ўрдак юборилди. Биз Қозоғистоннинг Павлодар областига бир эшелон парранда юбордик. Ана шу ўрдаклар Павлодар областида жуда барвақт — февраль ойидаёқ тухум қила бошлади. Ўртоқларимиз ҳатто саросима бўлишиб, районимизга телефон қилиб, сизлар эҳтимол, ўрдакнинг бошқача наслини юборгандирсиз, деб сўрадилар.

Семипалатинск областидаги совхозлардан бирига парранда боқувчиларимиздан икки кишини юбордик. Бу совхозда ўрдак боқиб ўстиришдан ҳеч қандай натижа чиқмаган экан. Парранда боқувчиларимиздан Емцева ва Солдатенко ўртоқлар совхозда 25 минг ўрдак боқиб ўстирдилар ва ўрдакларнинг 97 процентини сақлаб қолишга эришдилар. Шундай қилиб, улар Қозоғистонда ҳам ўрдак боқиб ўстириш шубҳасиз, мумкин эканлигини исбот қилиб бердилар.

Н. С. Хрушчев. Кубан ўрдаклари Семипалатинскда ҳам яшай олади.

А. С. Колесников. Бу жуда тўғри, Никита Сергеевич.

Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатдики, деб сўзини давом эттиради нотиқ, қишлоқ районларининг ҳеч мустаснасиз ҳаммасида парандачилик билан шуғулланиш мумкин ва лозим. Ҳовуз, қўллар бор жойларда улардан ўрдак ва ғоз боқиб ўстириш учун фойдаланиш зарур. Ҳовуз, қўллар бўлмаган жойларда уларни қуриш керак. Масалан, биз қўшимча равишда жами 600 гектар майдонда ҳовузлар қурдик. Буларда қўшимча равишда ярим миллион ўрдак боқиб ўстирдик. Ҳовуз, қўллар кам бўлган жойларда товуқ, ғоз ва курка боқиб ўстириш керак. Гозлар сувни кам талаб қилади. Биз Борковский гозларини Украинанинг Старомлиновский районидан олиб келдик. Борковский гози фойдали ва яхши эканлигини айтиб ўтишим керак.

Н. С. Хрушчев. Сизлар Украина гозларини ўзингизга олиб кетган экансизлар-да, эҳтимол, шунинг учун Украинада гозларни кам боқиб ўстирадиган бўлиб қолгандирлар.

А. С. Колесников. Бу гоздан манфаат жуда кўп. Олтой гозлари 12-15 тадан тухум қилса, Борковский гозлари эса 30-35 тадан тухум қилди. Бундай гозларни шундай мўлжал билан урчитиш керакки, бир ғоз мавсумда 80-90 килограммдан гўшт берсин, яъни семиз ёввойи чўчқа берадиган миқдорда гўшт берсин.

Н. С. Хрушчев. Тўғри гап. (Қарсаклар). Сиз бу гапингиз билан сирни очиб қўйдингиз. Укранадаги ходимлар уларнинг гозлари шунча кўп миқдорда тухум қилиб, гўшт бераётганлигини билмаган бўлсалар керак.

Нотиқ паррандачиликнинг кўпгина моҳир усталари тўғрисида гапириб, райондаги энг яхши паррандаханолар ҳақида Краснодар ўлка партия комитети чиқарган плакатни Президиумга, Ўрток Н. С. Хрушчевга топширади.

Н. С. Хрушчев. Раҳмат. Яхши плакат экан. Ҳамма ўрдакни яхши кўради, ўрдак боқиб ўстираётган кишилар бу плакатни кўрсинлар (Қарсаклар).

Ўрток Колесников сўзининг охирида айтадики, Каневский районининг меҳнаткашлари бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан дон, 50-60 центнердан маккажўхори етиштириш мажбуриятини олдилар. Райондаги колхоз ва совхозлар давлатга 12 минг тонна гўшт, 25,6 минг тонна сут, 12 миллион дона тухум сотишга ва 3 миллион дона парранда боқиб ўстиришга қарор бердилар. Юз гектар дон майдони ҳисобига парранда гўшти етиштириш 50 центнерга етказилади.

Догистон АССР, Караногай районидаги «Червленные Буруни» наслдор қўйчилик совхози, дейди старший чўпон **Д. А. Махсутов**, мамлакатимиздаги майин жунли энг яхши қўй наслларидан бири — Грозний наслининг ватанидир. Совхоз беш йилдан буён 25 минг қўйнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда саккиз килограмм ва бундан ҳам кўпроқ юқори сифатли жун олмоқда. Бир килограмм жуннинг таннархи 12-13 сўмдир (эски пул ҳисобида). Совхоз ўтган йили давлатга икки минг центнердан кўпроқ майин жун ва 3660 центнер гўшт топширди, мамлакатнинг турли районларига ва халқ демократияси мамлакатларига етти мингга яқин наслдор қўй юборди.

Бизнинг бригадамиз, дейди Ўрток Махсутов, 1960 йилда ошириллган мажбурият олган эди, бу мажбуриятни шараф билан бажарди. 880 қўйнинг ҳар биридан 8,8 килограмм, ёки 1959 йилдагига нисбатан 1,3 килограмм кўпроқ жун олинди. Бу бригадага коммунистик меҳнат бригадаси номи берилди. Совхозда чўпонларнинг беш бригадаси ана шу юксак номни олишга сазовор бўлди.

Биз бу йил ҳар бир қўйдан 9-9,5 килограмм жун қирқиб олиб ва бир килограмм жуннинг таннархини бир сўмдан ошириб, шунингдек ҳар бир қўйнинг вазнини 12 килограмм оширишга қарор бердик. Бугун совхозда ҳам 1961 йил учун юксак мажбуриятлар олинди.

Ўрток Махсутов мамлакатдаги барча қўй боқувчиларни арзон жун етиштириш учун кураш бошлашга ва бу билан халқнинг жундан ясаладиган яхши кийимларга бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини тезроқ қондиришга даъват этади.

Муваффақиятлар ҳақида гапирганда, деб таъкидлайди нотиқ, республика қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун ҳали фойдаланилмаётган резервлар тўғрисида ҳам сўзламаслик мумкин эмас. Караногай районидаги етти колхоз бизнинг совхозимизга қўшилдиқ. Бу колхозларнинг ерлари бизнинг хўжалигимиздагига нисбатан тўғри баравар кўп, лекин улар ана шу ерларда кам ҳосил етиштирмоқдалар. Майин жунли ҳар бир қўйдан кўп деганда 4,5 килограммдан жун олинмоқда, бу колхозларда наслдор қўйлар етиштирилмаётир.

Колхозчилар совхозимизнинг ижобий иш тажрибасини кўриб, колхозлар базасида совхоз ташкил қилишни сўрадилар. Биз бу масалани тезроқ ҳал этишни илтимос қиламиз.

Н. С. Хрушчев. Сиз ана шу колхозларнинг ерларини ўз совхозингизга қўшишни таклиф этасизми ёки ана шу ерларда бошқа совхозлар ташкил қилишими?

Д. А. Махсутов. Ана шу етти колхоз базасида совхозлар ташкил этиш мумкин.

Н. С. Хрушчев. Шундай қилиш оқилона иш бўлади деб ҳисоблайсизми?

Д. А. Махсутов. Оқилона иш бўлади.

Н. С. Хрушчев. Шундай қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. (Қарсаклар).

Сўнгра нотиқ чўпонларнинг меҳнат шароитига ва совхоздаги ишларини ташкил этиш масалаларига тўхталиб ўтади. У айтадики, қўй боқувчилар учун зарур маданий-маиший шароит вужудга келтирилган, аммо меҳнат процессларини механизациялаш сust бормоқда. Масалан, 700-800 бош қўйни суғориш учун 12-13 метр чуқур қудуқдан челакларда сув чиқариб олишга тўғри келади. Ҳўкизларда сув ташиш қийин, қум саҳроларида эса баъзан бригада вагончаларини бир участкадан иккинчи участкага юборишнинг иложи ҳам бўлмай қолади. Биз трактордан фойдалана олмаймиз, чунки трактор яйловларни ишдан чиқариб қўяди. Нотиқ моторли ўзиюрар вагонча вужудга келтириш тўғрисида ўйлаб кўришни таклиф этади. Бу вагончанинг кичкина мотори қудуқлардан сув чиқара олсин ва вагонни ёритсин.

Н. С. Хрушчев. Чўпонлар вагонда яшаши учун шундай қилиш керакми?

Д. А. Махсутов. Ҳа, чўпонлар бу вагонларда яшаш ва қўйларни суғориш имкониятига эга бўлсинлар. Вагонлар ёритилади.

Н. С. Хрушчев. Жуда тўғри гап, шундай қилиш керак.

Биз, Догистон чорвадорлари, дейди Ўрток Махсутов, Коммунистик партия ва унинг ленинча Марказий Комитети олдимизга қўйдиган ҳар қандай вазифани бажариш учун кучимизга ҳам, билимимизни ҳам аямаймиз.

Сўнгра, Хмельницкий областидаги «Украина» колхозининг раиси **Г. И. Ткачук** сўзга чиқиб, бундай деди:

— Бизнинг колхозимиз — жуда катта хўжалик. Унинг 6 минг гектарга яқин ери бор. Катта хўжаликларнинг майда хўжаликлардан афзалликлари кўпроқ. Бизнинг қўшимиз бўлган ва кейин биз билан бирлашган Жданов номли иқтисодий заиф колхоз 1958 йилда, колхоз йириклашмасдан олдин, дон экинларининг ҳар бир гектаридан атиги 16,8 центнердан ва қанд лавлагининг ҳар бир гектаридан 212 центнердан ҳосил олар эди, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисобланганда, 152 центнердан сут ва 36 центнердан гўшт етиштирар эди. Йириклашган колхоз эса, 1959 йилда галланинг ҳар бир гектаридан 26,6 центнер ва қанд лавлагининг ҳар гектаридан 350 центнер ҳосил олди, яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда эса 472 центнердан сут ва 106 центнердан гўшт етиштирди. Шундай қилиб, йириклаштирилган колхознинг афзалликлари бригаликда ишлашнинг биринчи йилидаёқ ўзини кўрсатди.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Ткачук, колхозингиз йириклаштирилмасдан олдин унинг неча гектар ери бор эди?

Г. И. Ткачук. 2.500 гектар.

Н. С. Хрушчев. Энди-чи?

Г. И. Ткачук. Ҳозир 5.973 гектар еримиз бор.

Н. С. Хрушчев. Яхши. Лекин йириклаштиришга жуда берилиб кетишнинг ҳам кераги йўқ. Ўрток Прозоров бўлса, колхозни йириклаштириш тўғрисида мақола ёзди. У раҳбарлик қилаётган колхозда, чамамда, 27 минг гектар ер ва аҳоли яшайдиган 137 та пункт бор экан. Бу нотўғри қилинган иш албатта, чунки бундай хўжаликни идора қилиш жуда қийин.

Г. И. Ткачук. Ҳозир бизнинг областимизда бу колхоз яхши колхоз.

Н. С. Хрушчев. Ўрмон-даштлари, ҳайдаладиган яхши ерлари бўлган Хмельницкий области шароитида 5 минг гектар ерга эга бўлган хўжалик яхши хўжаликдир. Бинобарин, сизни ва сизнинг ютуқларингизни табриклаймиз.

Сўнгра, Ўрток Ткачук сўзини давом эттириб, бундай деди: Об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига қарамай, колхозчилар етти йилликнинг иккинчи йилида дон экинларининг ҳар бир гектаридан 36,7 центнердан ҳосил етиштирдилар, шу жумладан, 460 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 50 центнердан дон олинди.

Қанд лавлагининг ҳар гектаридан 350 центнердан ҳосил олинди. Дон ва техника экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва ялпи ҳосил олиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажардик.

Маккажўхорининг катта имкониятлари борлигини, дейди Ўрток Ткачук, ҳозир ҳамма эътироф қилмоқда. Бироқ, кўп колхозлар ва совхозларда маккажўхорининг ҳар гектаридан жуда кам — 14-15 центнердан ҳосил олинмоқда. Агар биз маккажўхоридан шундай кам ҳосил олганимизда эди, бизнинг колхозимизда экиб овора бўлмас эдик. Илгари маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 25-30 центнердан дон олар эдик. Арпа ҳам, буғдой ҳам шунча ҳосил беради. Лекин бу экинларга камроқ меҳнат сарф бўлади. Экинлар маккажўхори сингари кўп парваришни талаб қилмайди. Биз катта-катта майдонларга маккажўхорини дон олиш учун экмоқдамиз, биз эккан маккажўхори яхши ҳосил бермоқда. Маккажўхорининг фойдали эканлиги шак-шубҳасиз.

Н. С. Хрушчев. Маккажўхоридан қанча ҳосил оляпсиз, Ўрток Ткачук?

Г. И. Ткачук. Маккажўхори экилган бутун майдонда унинг ҳар бир гектаридан 52-53-55 центнердан ҳосил олмоқдамиз.

Н. С. Хрушчев. Демак, бу зонада гектарига 50 центнер олишни кам дейсизми?

Г. И. Ткачук. Бу камлик қилади. Бемалол 50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш мумкин.

Мўл ҳосил олишни таъминлаш учун, дейди Ўрток Ткачук, биз олдин бошқа экин экиб олинган яхши ерларга маккажўхори экмоқдамиз. Бундан ташқари, биз маккажўхори экилган ернинг ҳар бир гектарига 10-15 тоннадан органик ўғит ва 2-3 центнердан минерал ўғит соламиз. Лекин бу ўғитлар ҳам камлик қилади. Кимё саноатининг ходимлари минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни яқин вақт ичида кескин равишда кўпайтиришлари керак. Чопиқ тракторлари, культиваторларни ва маккажўхорини ўриб-йиғиб берадиган машиналарни ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш зарур. Бу машиналар маккажўхори етиштириш ишларини комплекс механизациялаш учун керак. Агар биз шу машиналарни ва минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни кўпайтирсак, Никита Сергеевич, маккажўхори етиштириш соҳасида АҚШдан ўзиб кетамиз.

Н. С. Хрушчев. Тўғри, АҚШда маккажўхорининг ҳар гектаридан 30-35 центнер ҳосил олишяпти. Бинобарин, маккажўхори етиштиришда сиз АҚШдан ўзиб кетгансиз.

Г. И. Ткачук. Бу йил колхоз 800 гектар ерга маккажўхори экади. Шунинг 400 гектари дон олиш учун экилади. Биз унинг ҳар бир гектаридан 50-60 центнердан дон олмоқчимиз.

Н. С. Хрушчев. 50-60 центнер—жуда яхши ҳосил, сизларни табриклаймиз. (Қарсаклар).

Г. И. Ткачук. Бизнинг колхозимиз ва бошқа колхозлар қанд лавлагидан мўл ҳосил олмоқдалар. Бизнинг колхозимизда 700 гектарга қанд лавлаги экилмоқда.

Н. С. Хрушчев. Маккажўхорини қанд лавлагидан кейин экасизми?

Г. И. Ткачук. Ҳа.

Н. С. Хрушчев. Қанд лавлаги маккажўхоридан олдин экиш учун жуда яхши.

Г. И. Ткачук. Бироқ, лавлагини кавлаб ва ташиб олиш ишларини механизациялаш масалалари жуда секин ҳал қилинмоқда. Бу ишларни, айниқса лавлагини юклаш ва бўшатиш ишларини бажарадиган машиналар жуда кам. Бу ишларнинг кўпи қўлда бажарилмоқда. Конструкторларимиз бу масалани секин ҳал қилмоқдалар. Улар бу масала устида кўпроқ бош қотириб, уни яқин фурсатда ҳал қилиб беришлари керак.

Н. С. Хрушчев. Машиналарнинг конструкцияси яхши эмасми? Ёки бунақа машиналар кам-ми?

Г. И. Ткачук. Кам.

Н. С. Хрушчев Бунинг учун конструкторларда айб йўқ.

Г. И. Ткачук. Йиғим-терим машиналарини олиб кўрайлик.

Н. С. Хрушчев. Ўрток Изаксон ўз нутқида жуда яхши таклифлар киритди.

Ўрток Ткачук чорвачиликни ривожлантириш масалаларига тўхталиб дедики, ҳозирги вақтда колхозимизда 2.870 бош қорамол бор, ёки қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига 60 тадан қорамол, шу жумладан 21 тадан сигир тўғри келади. Чўчқалар ва паррандалар сони анча кўпайтирилди.

Колхозчилар, аввало, хўжаликни бошқаришнинг илмий асосланган системасини жорий қилиш ва экин майдонларининг структурасини тўғри танлаш йўли билан дон, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтирдилар. Яхши чорвадор кадрлар танланди, ем-хашак базаси вужудга келтирилди, чорва молларнинг зоти яхшиланмоқда. Далачилик ва чорвачиликда моддий манфаатдорлик принципи кенг қўлланилмоқда. Колхозчилар 1961 йил учун оширилган мажбуриятлар олдилар.

Сўнгра, нотиқ айтадики, нўхот ҳосилини йиғиб-териб берадиган механизмлар яратиш соҳасида шу вақттача ҳеч бир иш қилингани йўқ, ваҳоланки, Хмельницкий областида нўхот экилаётган майдон кенгайиб бормоқда. Масалан, «Украина» колхози 400 гектар ерга нўхот экиб, унинг ҳар бир гектаридан 31-32 центнердан ҳосил олмоқда. Бу ҳосилни йиғиб-териб берадиган машиналаримиз йўқ.

Н. С. Хрушчев. Айтишларига қараганда, Льговская станцияси нўхот ҳосилини йиғиб териб оладиган яхши машина яратибди.

Г. И. Ткачук. Поҳолни йиғиштириб олишни механизациялаш масаласи ҳам ҳал қилинмаган. Ғалла ҳосилини йиғиб-териб оли

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

(Боши иккинчи бетда)

Н. С. Хрушчев. Хўш, бу қўй қанча жун беради?

Л. Я. Флорентьев. 1-1,5 килограмм жун беради. Кўкламда қўйнинг жунини қирқиш мумкин, аммо, қузда биз тери тайёрлаш планини беришимиз керак. Шу билан бирга, пўстинбоп қўй терининг нархини ошириш зарур. Менимча, қўй тери жуда керак буюм.

Н. С. Хрушчев. Пўстинбоп қўй тери бизга керак деган фикрингизга қўшиламан. Биз — шимол мамлакатимиз, солдат учун ҳам, колхозчи учун ҳам қўй теридан тикилган пўстин жуда яхши бўлади, шаҳардаги киши ҳам пўстин кийса, совқотмайди.

Л. Я. Флорентьев. Бунақа қўйнинг териси жуда яхши бўлади.

Н. С. Хрушчев. Романов қўйи қанақалигини биламан. Қўйнинг ўзи ҳам, унинг терисидан тикилган пўстин ҳам жуда яхши.

Ўртоқ Хрушчев докладининг тезисларида ва Ўртоқ Полянскийнинг докладида, дейди сўнгра обком секретари, область галлачиликда орқада қолганлиги, ҳосилдорлик пасайиб кетганлиги учун тўғри танқид қилинди. Коммунистлар бу ишдаги камчиликларни очиб ташладилар, дон етиштиришни яқин 2-3 йил ичида икки баравар кўпайтириш чораларини белгиладилар. Албатта, бу ишда бизга бир оз ёрдам керак, областга минерал ўғитларни кўпроқ юбориш керак.

Н. С. Хрушчев. Чорваларнинг сонини кўпайтирсангиз, гўнгни ҳам кўпайтирасиз. Гўнгни тўғри асрашни ва ундан тўғри фойдаланишни ташлаб қилиш керак. Энг муҳими мана шу. Майли, сизларга минерал ўғитлар юборишни кўпайтирамиз, шундан кейин, ҳамма нарсани бизнинг устимизга тўнкай берасиз. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган завод қуриш учун икки йил вақт керак бўлади. Сиз бўлсангиз, галлани ҳам икки йилдан кейин берамиз, дерсиз. Хўш, овқатни уч йилдан кейин бермоқчимисиз?! Сиз-ку, бугун овқат талабсиз, хўш, дон етиштиришни икки йилдан кейин кўпайтирмоқчимисиз?

Л. Я. Флорентьев. Гапингизга тўла равишда қўшиламан.

Н. С. Хрушчев. У ҳолда сиз билан бизнинг ўртамизда келишмовчилик йўқ.

Л. Я. Флорентьев. Тўрт-беш йил ичида Кострома области колхозлари ва совхозлари эгиир экилаётган майдонни кўпайтириб, 26 минг гектардан 60 минг гектарга, картошка экилаётган майдонни 24 минг гектардан 33 минг гектарга етказадилар, 1961 йилда 20 минг гектар ерга маккажўхори экамиз. Минерал ўғитлар юборишни планлаштираётган вақтда, бу ўзгаришларни ҳисобга олиш керак.

Н. С. Хрушчев. Далаларга бир кўз ташланг. Дала йўлларида бораётганингда, далаларда гўнгни тўда-тўда қилиб қўйилганини кўрасан. Гўнгнинг экинни озуқлантирадиган керакли моддалари бутун қиш бўйи йўқ бўлиб кетади. Ишнинг кўзини билган киши шундай қиладими, ахир, минерал ўғитлар гўнгнинг ўрнини боса оладими, ахир? Темир йўл станцияларида минерал ўғитлар ташиб олинмай, тоғ-тоғ бўлиб ётганлиги «Сельская жизнь» газетасида ва бошқа газеталарда ёзилди. Ўғит кўкламда керак бўлса, колхозлар уни қишда тайёрлаб қўйишлари ва темир йўллар бўйида очиқ ҳавода сақламасдан, балки сув тегмайдиган ёпиқ жойларда бузилмайдиган қилиб сақлашлари керак.

Л. Я. Флорентьев. Фикрингизга қўшиламан, Никита Сергеевич. Бизда чорва моллар сони кўпаяди, бинобарин, ўғит ҳам кўпаяди.

Нотиқ ўғитнинг яна бир муҳим манбаи бўлган торф ҳақида гапиради. Нотиқ торфни кўпроқ қазиб олиш учун мелиорация техникаси кераклигини айтади.

Ўртоқ Флорентьев ўз нутқида айтдики, областда қишлоқ хўжалигини қайта қуриш янги йўллан ва кадрлар тайёрлаш йўли билан бормоқда. Областдаги қишлоқ хўжалик институти «Караваево» совхозига кўчирилди. Энди студентларнинг амалий тажриба олишлари учун ҳамма имконият бор: бу ўқув хўжалигида 4 мингга яқин сигир, ҳайдалаётган 26 минг гектар ер бор. Асосий ишларни студентларнинг ўзи бажармоқда. Олий ўқув юртини деҳқончилик авж олган ерга кўчирганлигимиз, дейди нотиқ, қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган янги, зўр иш бўлди. Фақат 1959 йилнинг ўзидагина институтга қабул қилинган студентларнинг тўртдан уч қисмини сут соғувчилар, чўчқабоқарлар, ўрта малакали зоотехниклар, механизаторлар орасидан танлаб олинди.

Саратов областининг Аркадак районидаги Мичурин номли колхоз раиси **А. А. Чусляев** сўзга чиқиб айтдики, бизнинг колхозимиз 1953 йилга қадар районда энг орқада колган колхозларнинг бири эди. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин қисқа вақт ичида бу колхоз дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтиришга муваффақ бўлди. Агротехника ва механизация даражаси оширилганлиги туфайли, 1960 йилда қурғоқчилик бўлганлигига қарамай, ҳар бир гектар ердан 16,8 центнердан галла, 160 центнердан қанд лавлаги, 12 центнердан кунгабоқар олинди. Николай Кузьмич Комков бошчилигидаги учинчи комплекс бригада энг яхши кўрсаткичларга эришди.

У, арзон галла сотиб олиш учун курашни бошлаб берди. Бу бригада Олтойнинг донгдор галлакори Гавриил Буханько бригадасини мусобақага чақирди. Бу икки бригаданинг бошлаган иши Саратов галлакорлари билан Олтой галлакорларининг мусобақасига айланиб кетди. Ўртоқ Комков бригадаси 1.100 гектар ерга галла экиб, унинг ҳар бир гектаридан 120,3 пуддан галла олишга муваффақ бўлди. Ҳар бир центнер галланинг таннархи 22 сўм 10 тийинга тушди.

Колхозда қорамолларнинг сони кейинги икки йилнинг ўзидагина икки баравар кўпайди ва ҳозир бир ярим минг бошга етди, шу жумладан сигирларнинг сони 412 тага, ёки яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда 23 бошга етди, қўйларнинг сони 1.200 бошга етди ва чўчқаларнинг сони 2 мингдан ошиб кетди. Колхознинг пул даромади ўтган йил 8 миллион сўмдан ошди. Шу сабабли, колхозчиларнинг моддий фаровонлиги жуда яхшиланди. Колхоз экономикаси мустаҳкамланганлиги 1959 йил январдан бошлаб меҳнат кунлари ёзмай, меҳнатга пул билан ҳақ тўлашга ўтиш имкониятини берди.

Н. С. Хрушчев. Марказий Комитет ва Министрлар Советининг янги қарорини амалга ошириш натижасида, колхоз қанча даромад олади?

А. А. Чусляев. Ёнилгининг ва тракторларнинг нархи камайтирилганлиги натижасида, эски нарх билан ҳисоблаганда, 700 минг сўм тежалади.

Н. С. Хрушчев. Бу оз эмас.

А. А. Чусляев. Бу жуда яхши. Биз бутун трактор паркини янгилашимиз, комбайнларни эса, ўзи юрар комбайнлар билан алмаштиришимиз мумкин.

Н. С. Хрушчев. Колхозга раис бўлганингизга неча йил бўлди?

А. А. Чусляев. Етти йил.

Н. С. Хрушчев. Неча ёшдасиз?

А. А. Чусляев. 33.

Н. С. Хрушчев. Баракалла, азамат! (Қарсаклар).

Бу йил биз, деб давом қилади нотиқ, колхознинг ҳамма ерларидан галла, экинларнинг ҳосилдорлиги ошиб бораётган талабларга жавоб бермаётганлигини қайд қилади. Ўтган йили колхоз ва совхозлар ҳар юз гектар ер ҳосилига ҳаммаси бўлиб 107 центнердан сут ва 10 центнерданга яқин гўшт етиштирганликларини айтишнинг ўзи кифоя қилади.

Нотиқ область партия ташкилоти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан кўраётган чоралар ҳақида Пленумда гапириб берди. Планга биноан 1961 йили сут ва гўшт харид қилишни 20 процент, тухум харид қилишни эса 52 процент кўпайтириш назарда тутилади.

Нотиқ чорвачиликнинг зўр бериб ривожлантирилиши муносабати билан чорвачилик бинолари қурилишини тезлаштириш зарурлиги ҳақидаги масалани қўяди. «Арча» типидаги чорвачилик биноларини кенг миқёсда қуришни қизитиб юборишга қарор қилинди. Ўтган йили халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар ва РТС-лар колхозлар ҳамда совхозлар учун «Арча» типидаги 300 та бино комплектини тайёрлаб бердилар. Бу йил эса ана шундай комплектлардан 1000-1200 тасини тайёрлаш назарда тутилади. Бу тобора кўпайиб бораётган чорва молларини нормал боқиш учун зарур шароит яратиш имконини беради.

Чорвачиликни ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг ана шу соҳасини механизациялаш масаласи муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Мавжуд техника кўп ҳолларда етишмайди. Айниқса сут соғиш ва чорва молларини суғориш ишларини механизациялаш соҳасидаги аҳвол ёмондир.

Кемерово областининг қишлоқ хўжалик ходимлари, барча меҳнаткашлари, деди ўз сўзининг охирида Ўртоқ Лубенников, ушбу Пленумнинг қарорлари билан қуролланиб, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига ўзлари қўшадиган ҳиссани кўпайтириш учун хормай-толмай меҳнат қиладилар.

Воронеж областидаги «1 Май» колхозининг тракторчиси Ўртоқ **Д. С. Косенко** ўз сўзини қанд лавлаги етиштириш билан боғлиқ бўлган ишларни механизациялашириш ва унинг таннархини камайтириш устида борди.

Бизнинг бригадамиз фермасида, дейди Ўртоқ Савченко, 108 бош сигир бор. Уларга тўққиз сут соғувчи, уч молбоқар—ем-хашак ташувчи ва икки қоровул қарар эди. Ҳозирги вақтда эса фақат уч сут соғувчи қолди. Бунга механизация туфайли эришдик. Бизда автопоилка, машина билан сут соғиш, ем-хашакни вагонеткаларда тарқатиш қўлланилмоқда. Фермада гўнгни тозалаш учун куракли транспортёр бор. Буларнинг ҳаммаси туфайли мен 12 бош эмас, балки 36 бош сигирга қарашнинг уддасидан чиқдим.

Бу колхозчи аёл етти йилликнинг иккинчи йилида ҳар бир соғин сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб олиш, ўз группасидаги сигирлардан соғиб олинган сутнинг ялпи миқдорини икки баравардан кўпроқ ошириш мажбуриятини олган эди. Бугун КПСС Марказий Комитетининг Пленумига қувонч билан маълум қиламан, дейди Ўртоқ Савченко, ўз ваъдамнинг устидан чиқдим. Ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан 6 минг 462 килограммдан сут соғиб олдим. Соғиб олинган сутнинг ялпи миқдори 220 тоннани ташкил этди ва унинг таннархи бирмунча камайди. Энг муҳими, ўзимга қўшимча сут соғиб олиш учун биркитиб қўйилган янги сигирларнинг ҳар биридан 2500 килограммдан сут соғиб олганлигим мени қувонтирмоқда. Ана шу сигирлар ҳозирги вақтда кўп сут бермоқда.

Мен, деди ўз сўзида давом этиб Ўртоқ Савченко, ўз тажрибамни ва қониқиш билан ўргатмоқданман. Бизнинг фермамизда уч йилдан бўён илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. Шу давр ичида 300 дан ортиқ ёш сут соғувчилар мактабни тамомлаб, сигирлардан кўп сут соғиб оладиган мастерлар бўлиб етишдилар.

Ўртоқ Савченко чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизация л а ш учун саноат кўпроқ ускуналар ишлаб чиқариши ҳақидаги масалани кўтаради.

У ўз сўзининг охирида Лебединский районидаги Ленин номли колхоз ўтган йили ҳар юз гектар ер ҳисобига 102 центнердан гўшт ва 450 центнердан сут етиштирганлигини, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планини ошириб бажарганлигини маълум қилади. Мен, дейди Ўртоқ Савченко, етти йилликнинг учинчи йилида ўз группамдаги ҳар бир соғин сигирдан 6500 килограммдан сут соғиб олишга, соғиб олинган сутнинг ялпи миқдорини 225 тоннага етказиш ва унинг таннархини янада камайтиришга қарор қилдим.

Ростов область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **А. В. Басова** сўз берилди.

Ўтган йили областда об-ҳаво шароити жуда ноқулай келди. Лекин шунга қарамай, областда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда қариб 14 центнердан дон ҳосили олинди. Давлатга қариб 103 миллион пуд галла сотилди.

Чорвачилик соҳасида, жиддий камчиликлар бор. Кўп районлар ва умуман областимиз юксак социалистик мажбуриятлар олган эди, аммо бу мажбуриятларнинг бажарилишини ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмади. Бунинг натижасида чорвачилик маҳсулотлари етиштириши лозим даражада кўпайтириш таъминланмади. Колхоз ва совхозлар ана шу маҳсулотларни тайёрлаш юзасидан давлат олдида катта қарздор бўлиб қолдилар. Илғорларнинг иш намуналари эса, областда жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатади. 1961 йилда, дейди нотиқ, 235 минг тонна гўшт, 625 минг тонна сут, 325 миллион дона тухум ва 17 минг тонна жун тайёрламоқчимиз.

Колхоз ва совхозларда, асосан, барча экинларнинг ва хусусан лоқ хўжалик соҳасидаги топшириқларининг беш йилда бажарилишини таъминлайди.

Пленумда чиқиб сўзлаган Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг академики **А. Н. Аскоченский** айтдики, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида мамлакатимизнинг қурғоқчилик районларида, айниқса Ўрта Осиё республикаларида катта ҳажмдаги ирригация ишлари бажарилди. Натижада суғориш тармоқлари бўлган ерлар майдони дастлабки даражадагига нисбатан уч баравардан кўпроқ ошди ва қурғоқчилик ҳамда эндиликда суғорилаётган ботқоқ ерлар билан биргаликда ҳозирги вақтда 12 миллион гектарга етди. Бироқ бу миқдор, гарчи анчагина бўлса ҳам, умумий майдони ҳайдаладиган 50 минг гектар ерга яқин бўлган қурғоқ зонадаги сув ва ер ресурсларидан тўла ҳамда муттасил равишда фойдаланиш бўйича белгиланган суғориш ишлари ҳажмининг 20 процентга яқинини ташкил этади. Қурғоқчиликка қарши ёппасига ҳужум давом этмоқда. Суғориш ишларининг катта ҳажм ва миқёсларига, янги, мукаммалроқ метод ва формаларига ўтиш амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, дейди Ўртоқ Аскоченский, тўғонлар қурилишига катта эътибор берилмоқда. Волга, Днепр, Дон, Кура, Сирдарё ва бошқа дарёларда қурилган сув омборларининг умумий ҳажми қариб 150 миллиард кубометрни ташкил этади. Бу — совет гидротехникасининг жиддий ютуғидир. Бироқ пахтачилик ва шоликорликни ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган Сирдарё ва айниқса Амударё ҳавзаларида ҳали кўп иш қилингани йўқ. Бу камчиликка барҳам бериш зарур.

Ушбу Пленумда қилинган доклад лар ва сўзланган нутқларда, дейди Ўртоқ Аскоченский, ер қазийдиган техникани ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Машиналар сонининг кўпайиши ер ишларининг йиллик ҳажмини 1953 йилдаги 426 миллион кубометрдан 1960 йилда 1 миллиард кубометргача етказиш ва қурилишда механизация даражасини 98,5 процентгача етказишга эришиш имконини берди.

1965 йилга бориб, ер қазиш машиналари паркини етти-саккиз баравар кўпайтириш назарда тутилади. Янги, юқори унумли машиналар яратилади. Нотиқнинг фикрича, мелиоратив техника ва ускуналарни ишлаб чиқаришни таъминловчи ихтисослаштирилган саноат корхоналарини вужудга келтириш, шунингдек ирригация қурилиши марказлаштирилган районла р да қудратли қурилиш индустриясини барпо этиш зарурияти туғилди. «Голодностепстрой»нинг тажрибаси бунинг далилидир. «Голодностепстрой» индустриал типдаги қудратли ёрдамчи корхоналарга эга. Бу Мирзачўлдаги суғориладиган ерлар м а й д о н и н бир миллион гектаргача етказиш ва ундан ошириш каби жуда катта вазифани аниқ қилиб қўйиш ҳамда амалга ошириш имконини беради. Ана шундай қурилиш индустрияси яқин вақт ичида Қорақум каналининг суғориладиган зонасида ҳам барпо этилишининг тилакдошимиз.

Қишлоқ хўжалигида суғориш ҳозирнинг ўзидаёқ устун даражадаги аҳамиятга эга бўлган Ўрта Осиё республикаларида, Закавказьеда ва Қозоғистонда, деди сўнгра Ўртоқ Аскоченский, кейинги йилларда сув хўжалиги ташкилотларининг муқаррар, ўзини оқлаган системаси вужудга келди. Бу система сув хўжалиги ишларининг бутун комплексини ўз ичига олади. Шунингдек бу система таркибида илмий тадқиқот институтларига эга бўлиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Нотиқ катта проблемаларни олдинга сурган ҳолда, етти йиллик мобайнида суғориладиган ерлар майдонини кўпайтириш имконини берадиган биринчи навбатдаги объектларга нисбатан эътиборни сусайтириш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Мирзачўл ва Қорақум канали каби йирик объектлардан ташқари бошқа қурилаётган объектлар 1965 йилгача суғориладиган майдонларни қариб бир миллион гектар миқдорида кенгайтиришни таъминлайди.

Мамлакатимизда, деди сўзининг охирида нотиқ, кўпсонли гидротехник кадрлар ўсиб етишди, гидротехника мелиорациясида катта тажриба тўпланди. Бу соҳада кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари бажарилди, суғориш ва намни қочириш мелиорациясининг назарий асослари яратилди. Буларнинг ҳаммаси энг йирик ирригация проблемаларини ҳал қилишга кириша олишимиздан далолат беради.

Минбарга Сумский областидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси **М. Х. Савченко** кўтарилади. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1959 йил) Пленумининг қатнашчиси сифатида, дейди у, мен оддий кишилар — Тернополь маккажўхорикори Долинюк, Ставрополь чўпони Малашенко, пахта терши комбайнининг донгдор механиги Турсуной Охунова ва бошқаларнинг ўз тажрибаси билан ўртоқлашган нутқларини эътибор билан тинглаган эдим. Никита Сергеевич Хрушчевнинг нутқини жуда эътибор билан тинглаган эдим. Мен меҳнат унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтиришга қандай катта аҳамият бериладаётганлигини тушунган эдим. Шунингдек сут етиштиришда ўзим эришган даража етарли эмаслигини англаган эдим. Ҳатто 1959 йили ҳар бош сигирдан 8.905 килограммдан сут соғиб олганимга қарамай, менга биркитиб қўйилган сигирлар группасидан соғиб олинган сутнинг ялпи миқдори фақат 107 тоннани ташкил этди ва унинг таннархи бирмунча юқори бўлди.

Москвадан қайтиб боргач, ўз фикримни бирга ишлаётган дугоналарим, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз раҳбарлари билан ўртоқлашдим. Мени қўллаб-қувватладилар. Гап сут соғувчиларнинг меҳнат унумдорлигини кескин равишда ошириш, кўпроқ сут бериш ва унинг таннархини камайтириш устида борди.

Бизнинг бригадамиз фермасида, дейди ўртоқ Савченко, 108 бош сигир бор. Уларга тўққиз сут соғувчи, уч молбоқар—ем-хашак ташувчи ва икки қоровул қарар эди. Ҳозирги вақтда эса фақат уч сут соғувчи қолди. Бунга механизация туфайли эришдик. Бизда автопоилка, машина билан сут соғиш, ем-хашакни вагонеткаларда тарқатиш қўлланилмоқда. Фермада гўнгни тозалаш учун куракли транспортёр бор. Буларнинг ҳаммаси туфайли мен 12 бош эмас, балки 36 бош сигирга қарашнинг уддасидан чиқдим.

Бу колхозчи аёл етти йилликнинг иккинчи йилида ҳар бир соғин сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб олиш, ўз группасидаги сигирлардан соғиб олинган сутнинг ялпи миқдорини икки баравардан кўпроқ ошириш мажбуриятини олган эди. Бугун КПСС Марказий Комитетининг Пленумига қувонч билан маълум қиламан, дейди ўртоқ Савченко, ўз ваъдамнинг устидан чиқдим. Ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан 6 минг 462 килограммдан сут соғиб олдим. Соғиб олинган сутнинг ялпи миқдори 220 тоннани ташкил этди ва унинг таннархи бирмунча камайди. Энг муҳими, ўзимга қўшимча сут соғиб олиш учун биркитиб қўйилган янги сигирларнинг ҳар биридан 2500 килограммдан сут соғиб олганлигим мени қувонтирмоқда. Ана шу сигирлар ҳозирги вақтда кўп сут бермоқда.

Мен, деди ўз сўзида давом этиб Ўртоқ Савченко, ўз тажрибамни ва қониқиш билан ўргатмоқданман. Бизнинг фермамизда уч йилдан бўён илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. Шу давр ичида 300 дан ортиқ ёш сут соғувчилар мактабни тамомлаб, сигирлардан кўп сут соғиб оладиган мастерлар бўлиб етишдилар.

Ўртоқ Савченко чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизация л а ш учун саноат кўпроқ ускуналар ишлаб чиқариши ҳақидаги масалани кўтаради.

У ўз сўзининг охирида Лебединский районидаги Ленин номли колхоз ўтган йили ҳар юз гектар ер ҳисобига 102 центнердан гўшт ва 450 центнердан сут етиштирганлигини, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планини ошириб бажарганлигини маълум қилади. Мен, дейди ўртоқ Савченко, етти йилликнинг учинчи йилида ўз группамдаги ҳар бир соғин сигирдан 6500 килограммдан сут соғиб олишга, соғиб олинган сутнинг ялпи миқдорини 225 тоннага етказиш ва унинг таннархини янада камайтиришга қарор қилдим.

Ростов область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. В. Басова** сўз берилди.

Ўтган йили областда об-ҳаво шароити жуда ноқулай келди. Лекин шунга қарамай, областда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда қариб 14 центнердан дон ҳосили олинди. Давлатга қариб 103 миллион пуд галла сотилди.

Чорвачилик соҳасида, жиддий камчиликлар бор. Кўп районлар ва умуман областимиз юксак социалистик мажбуриятлар олган эди, аммо бу мажбуриятларнинг бажарилишини ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмади. Бунинг натижасида чорвачилик маҳсулотлари етиштириши лозим даражада кўпайтириш таъминланмади. Колхоз ва совхозлар ана шу маҳсулотларни тайёрлаш юзасидан давлат олдида катта қарздор бўлиб қолдилар. Илғорларнинг иш намуналари эса, областда жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатади. 1961 йилда, дейди нотиқ, 235 минг тонна гўшт, 625 минг тонна сут, 325 миллион дона тухум ва 17 минг тонна жун тайёрламоқчимиз.

Колхоз ва совхозларда, асосан, барча экинларнинг ва хусусан лоқ хўжалик соҳасидаги топшириқларининг беш йилда бажарилишини таъминлайди.

Пленумда чиқиб сўзлаган Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг академики **А. Н. Аскоченский** айтдики, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида мамлакатимизнинг қурғоқчилик районларида, айниқса Ўрта Осиё республикаларида катта ҳажмдаги ирригация ишлари бажарилди. Натижада суғориш тармоқлари бўлган ерлар майдони дастлабки даражадагига нисбатан уч баравардан кўпроқ ошди ва қурғоқчилик ҳамда эндиликда суғорилаётган ботқоқ ерлар билан биргаликда ҳозирги вақтда 12 миллион гектарга етди. Бироқ бу миқдор, гарчи анчагина бўлса ҳам, умумий майдони ҳайдаладиган 50 минг гектар ерга яқин бўлган қурғоқ зонадаги сув ва ер ресурсларидан тўла ҳамда муттасил равишда фойдаланиш бўйича белгиланган суғориш ишлари ҳажмининг 20 процентга яқинини ташкил этади. Қурғоқчиликка қарши ёппасига ҳужум давом этмоқда. Суғориш ишларининг катта ҳажм ва миқёсларига, янги, мукаммалроқ метод ва формаларига ўтиш амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, дейди ўртоқ Аскоченский, тўғонлар қурилишига катта эътибор берилмоқда. Волга, Днепр, Дон, Кура, Сирдарё ва бошқа дарёларда қурилган сув омборларининг умумий ҳажми қариб 150 миллиард кубометрни ташкил этади. Бу — совет гидротехникасининг жиддий ютуғидир. Бироқ пахтачилик ва шоликорликни ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган Сирдарё ва айниқса Амударё ҳавзаларида ҳали кўп иш қилингани йўқ. Бу камчиликка барҳам бериш зарур.

Ушбу Пленумда қилинган доклад лар ва сўзланган нутқларда, дейди ўртоқ Аскоченский, ер қазийдиган техникани ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Машиналар сонининг кўпайиши ер ишларининг йиллик ҳажмини 1953 йилдаги 426 миллион кубометрдан 1960 йилда 1 миллиард кубометргача етказиш ва қурилишда механизация даражасини 98,5 процентгача етказишга эришиш имконини берди.

1965 йилга бориб, ер қазиш машиналари паркини етти-саккиз баравар кўпайтириш назарда тутилади. Янги, юқори унумли машиналар яратилади. Нотиқнинг фикрича, мелиоратив техника ва ускуналарни ишлаб чиқаришни таъминловчи ихтисослаштирилган саноат корхоналарини вужудга келтириш, шунингдек ирригация қурилиши марказлаштирилган районла р да қудратли қурилиш индустриясини барпо этиш зарурияти туғилди. «Голодностепстрой»нинг тажрибаси бунинг далилидир. «Голодностепстрой» индустриал типдаги қудратли ёрдамчи корхоналарга эга. Бу Мирзачўлдаги суғориладиган ерлар м а й д о н и н бир миллион гектаргача етказиш ва ундан ошириш каби жуда катта вазифани аниқ қилиб қўйиш ҳамда амалга ошириш имконини беради. Ана шундай қурилиш индустрияси яқин вақт ичида Қорақум каналининг суғориладиган зонасида ҳам барпо этилишининг тилакдошимиз.

Қишлоқ хўжалигида суғориш ҳозирнинг ўзидаёқ устун даражадаги аҳамиятга эга бўлган Ўрта Осиё республикаларида, Закавказьеда ва Қозоғистонда, деди сўнгра Ўртоқ Аскоченский, кейинги йилларда сув хўжалиги ташкилотларининг муқаррар, ўзини оқлаган системаси вужудга келди. Бу система сув хўжалиги ишларининг бутун комплексини ўз ичига олади. Шунингдек бу система таркибида илмий тадқиқот институтларига эга бўлиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Нотиқ катта проблемаларни олдинга сурган ҳолда, етти йиллик мобайнида суғориладиган ерлар майдонини кўпайтириш имконини берадиган биринчи навбатдаги объектларга нисбатан эътиборни сусайтириш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Мирзачўл ва Қорақум канали каби йирик объектлардан ташқари бошқа қурилаётган объектлар 1965 йилгача суғориладиган майдонларни қариб бир миллион гектар миқдорида кенгайтиришни таъминлайди.

Мамлакатимизда, деди сўзининг охирида нотиқ, кўпсонли гидротехник кадрлар ўсиб етишди, гидротехника мелиорациясида катта тажриба тўпланди. Бу соҳада кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари бажарилди, суғориш ва намни қочириш мелиорациясининг назарий асослари яратилди. Буларнинг ҳаммаси энг йирик ирригация проблемаларини ҳал қилишга кириша олишимиздан далолат беради.

Минбарга Сумский областидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси **М. Х. Савченко** кўтарилади. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1959 йил) Пленумининг қатнашчиси сифатида, дейди у, мен оддий кишилар — Тернополь маккажўхорикори Долинюк, Ставрополь чўпони Малашенко, пахта терши комбайнининг донгдор механиги Турсуной Охунова ва бошқаларнинг ўз тажрибаси билан ўртоқлашган нутқларини эътибор билан тинглаган эдим. Никита Сергеевич Хрушчевнинг нутқини жуда эътибор билан тинглаган эдим. Мен меҳнат унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтиришга қандай катта аҳамият бериладаётганлигини тушунган эдим. Шунингдек сут етиштиришда ўзим эришган даража етарли эмаслигини англаган эдим. Ҳатто 1959 йили ҳар бош сигирдан 8.905 килограммдан сут соғиб олганимга қарамай, менга биркитиб қўйилган сигирлар группасидан соғиб олинган сутнинг ялпи миқдори фақат 107 тоннани ташкил этди ва унинг таннархи бирмунча юқори бўлди.

Москвадан қайтиб боргач, ўз фикримни бирга ишлаётган дугоналарим, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз раҳбарлари билан ўртоқлашдим. Мени қўллаб-қувватладилар. Гап сут соғувчиларнинг меҳнат унумдорлигини кескин равишда ошириш, кўпроқ сут бериш ва унинг таннархини камайтириш устида борди.

Бизнинг бригадамиз фермасида, дейди ўртоқ Савченко, 108 бош сигир бор. Уларга тўққиз сут соғувчи, уч молбоқар—ем-хашак ташувчи ва икки қоровул қарар эди. Ҳозирги вақтда эса фақат уч сут соғувчи қолди. Бунга механизация туфайли эришдик. Бизда автопоилка, машина билан сут соғиш, ем-хашакни вагонеткаларда тарқатиш қўлланилмоқда. Фермада гўнгни тозалаш учун куракли транспортёр бор. Буларнинг ҳаммаси туфайли мен 12 бош эмас, балки 36 бош сигирга қарашнинг уддасидан чиқдим.

Бу колхозчи аёл етти йилликнинг иккинчи йилида ҳар бир соғин сигирдан 6 минг килограммдан сут соғиб олиш, ўз группасидаги сигирлардан соғиб олинган сутнинг ялпи миқдорини икки баравардан кўпроқ ошириш мажбуриятини олган эди. Бугун КПСС Марказий Комитетининг Пленумига қувонч билан маълум қиламан, дейди ўртоқ Савченко, ўз ваъдамнинг устидан чиқдим. Ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан 6 минг 462 килограммдан сут соғиб олдим. Соғиб олинган сутнинг ялпи миқдори 220 тоннани ташкил этди ва унинг таннархи бирмунча камайди. Энг муҳими, ўзимга қўшимча сут соғиб олиш учун биркитиб қўйилган янги сигирларнинг ҳар биридан 2500 килограммдан сут соғиб олганлигим мени қувонтирмоқда. Ана шу сигирлар ҳозирги вақтда кўп сут бермоқда.

Мен, деди ўз сўзида давом этиб Ўртоқ Савченко, ўз тажрибамни ва қониқиш билан ўргатмоқданман. Бизнинг фермамизда уч йилдан бўён илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. Шу давр ичида 300 дан ортиқ ёш сут соғувчилар мактабни тамомлаб, сигирлардан кўп сут соғиб оладиган мастерлар бўлиб етишдилар.

Ўртоқ Савченко чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизация л а ш учун саноат кўпроқ ускуналар ишлаб чиқариши ҳақидаги масалани кўтаради.

У ўз сўзининг охирида Лебединский районидаги Ленин номли колхоз ўтган йили ҳар юз гектар ер ҳисобига 102 центнердан гўшт ва 450 центнердан сут етиштирганлигини, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планини ошириб бажарганлигини маълум қилади. Мен, дейди ўртоқ Савченко, етти йилликнинг учинчи йилида ўз группамдаги ҳар бир соғин сигирдан 6500 килограммдан сут соғиб олишга, соғиб олинган сутнинг ялпи миқдорини 225 тоннага етказиш ва унинг таннархини янада камайтиришга қарор қилдим.

Ростов область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. В. Басова** сўз берилди.

Ўтган йили областда об-ҳаво шароити жуда ноқулай келди. Лекин шунга қарамай, областда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда қариб 14 центнердан дон ҳосили олинди. Давлатга қариб 103 миллион пуд галла сотилди.

Чорвачилик соҳасида, жиддий камчиликлар бор. Кўп районлар ва умуман областимиз юксак социалистик мажбуриятлар олган эди, аммо бу мажбуриятларнинг бажарилишини ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмади. Бунинг натижасида чорвачилик маҳсулотлари етиштириши лозим даражада кўпайтириш таъминланмади. Колхоз ва совхозлар ана шу маҳсулотларни тайёрлаш юзасидан давлат олдида катта қарздор бўлиб қолдилар. Илғорларнинг иш намуналари эса, областда жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатади. 1961 йилда, дейди нотиқ, 235 минг тонна гўшт, 625 минг тонна сут, 325 миллион дона тухум ва 17 минг тонна жун тайёрламоқчимиз.

Колхоз ва совхозларда, асосан, барча экинларнинг ва хусусан лоқ хўжалик соҳасидаги топшириқларининг беш йилда бажарилишини таъминлайди.

Пленумда чиқиб сўзлаган Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг академики **А. Н. Аскоченский** айтдики, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида мамлакатимизнинг қурғоқчилик районларида, айниқса Ўрта Осиё республикаларида катта ҳажмдаги ирригация ишлари бажарилди. Натижада суғориш тармоқлари бўлган ерлар майдони дастлабки даражадагига нисбатан уч баравардан кўпроқ ошди ва қурғоқчилик ҳамда эндиликда суғорилаётган ботқоқ ерлар билан биргаликда ҳозирги вақтда 12 миллион гектарга етди. Бироқ бу миқдор, гарчи анчагина бўлса ҳам, умумий майдони ҳайдаладиган 50 минг гектар ерга яқин бўлган қурғоқ зонадаги сув ва ер ресурсларидан тўла ҳамда муттасил равишда фойдаланиш бўйича белгиланган суғориш ишлари ҳажмининг 20 процентга яқинини ташкил этади. Қурғоқчиликка қарши ёппасига ҳужум давом этмоқда. Суғориш ишларининг катта ҳажм ва миқёсларига, янги, мукаммалроқ метод ва формаларига ўтиш амалга оширилмоқда.

Мамл

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Бошқа учинчи бетда)

Ўртоқ Гаевой суғориладиган деҳқончиликни кенгайтириш масаласига тўхталиб айтадики, областда сув ресурслари кўп. Днепр дарёси ва унинг сув омборлари, Днепр — Кривой Рог канала суғориладиган экин майдонларини 60 минг гектар кўпайтириш имконини беради. Бунинг учун 190 миллион сўмга яқин маблағ сарфлаш талаб этилади, лекин бу харажат 2—3 йил ичида қопланади.

Сўнгра Воронеж области, Ново-Усмань районидаги Киров номли колхоз трактор бригадасининг бошлиғи **Н. Ф. Мануковский** сўз олади. У, қишлоқ хўжалигидаги резервларни сафарбар қилиш ва маҳсулот таннархини камайтириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтади.

1960 йилда трактор бригадамиз, деди нотиқ, маккажўхорини қўл кучи ишлатилмасдан етиштириш соҳасида орттирилган тажрибалардан фойдаланиб, бошқа экинларни етиштиришда комплекс механизациялаштиришни жорий қилишга аҳд қилди ва чорвачиликда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштиришга киришди. Биз ўтган йилда қандай натижаларни қўлга киритдик?

Ҳар гектардан 130 пуддан ғалла, 30 центнердан маккажўхори дони етиштирдик. Ҳар гектардан олинган сўтали кўкпоя миқдори 360 центнерни ташкил қилди. Бу эса ҳар сигир учун 24 тоннадан силос бостириш имконини берди. Бундан ташқари, чўчқачилик фермалари учун 500 тоннага яқин консервалаштирилган сўталар жамғариб қўйилди. Тариқ ва кунгабоқар майдонлари кенгайтирилди.

Бригада бошоқли ва чопиқ қилинадиган экинларни етиштиришдаги қарийб ҳамма ишларни механизациялаштириш, ана шу мақсад учун такомиллаштирилган машиналар чиқариш ҳақидаги масалани ҳам ўртага қўяди.

Н. Ф. Мануковский бошчилик қилаётган трактор бригадаси А. В. Гиталов бошчилик қилаётган бригада билан мусобақалашмоқда. Бригадалар бир-бирлари билан маҳкам алоқа қилиб, ўзаро тажрибалар алмашиб турибди. Ўртоқ Гиталовнинг сўзидан кейин, дейди нотиқ, мен мавжуд имкониятларимизни чамалаб кўрдим ва ҳар гектардан 40-50 центнердан маккажўхори дони етиштириш қўлимиздан келади, деб ҳисоблайман. Маккажўхоридан ана шундай ҳосил етиштирмоқ учун ва бу билан мамлакатда ғалла етиштиришни кўпайтиришдан иборат умумхалқ ишига ўз ҳиссамизни қўшиш учун бутун куч-қувватимизни сарфлаймиз.

Ўртоқ Мануковский чорвачилик фермаларидаги кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаш тажрибаси тўғрисида батафсил гапиради. Бригада қисқа вақт ичида механикалаштирилган озуқа цехини ускуналади, чўчқалар учун «ошхона» қурди, озуқани тайёрлаш ва моллар боқиладиган бўлимга бериш ишлари тўла механикалаштирилди. Чўчқалар эркин ҳайдаб боқиш усулига ўтказилди. Механизатор М. В. Лесной ва И. П. Манкулов озуқа цехида ишламоқдалар, уларнинг иккаласи ўтган йилда 1212 та чўчқани семиртириб боқдилар ва давлатга топширидилар.

Сут-товар фермасида ёз даврида сигирларни яйловда боқиш вақтида кўчма соғиш установкаси қўлланилди, бу тадбир 250 сигирга каровчи сут соғувчилар сонини 20 кишидан 5 кишигача камайтириш имконини берди. Сигирларни бойлаб боқиш даврида фермада сут соғиш янгича, махсус соғиш хонасисиз уюштирилди. Сигирхонада осма йўл қилинди, бу йўл орқали тўртта майдончага вакуум аппаратлари ва сут солинадиган идишлар қўйилади. Сут соғишни бундай ташкил этган вактда алоҳида соғиш зали қуриш эҳтиёжи қолмайди, сигирларни боғлаб боқилаётган бинодан соғиш залига ва соғиш залидан бойладиган бинога ҳайдаб юрилмайди. Бударнинг ҳаммаси, дейди сўзининг охирида Ўртоқ Мануковский, меҳнат ҳаражатини анча камайтирди. Эндиликда ҳар бир сут соғувчи бир агрегатнинг ёрдами билан 50 тагача сигирни соғмоқда.

Донгдор маккажўхорикор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Одесса областидаги Горький номли колхознинг звено бошлиғи **Е. В. Блажевский** минбарга чиқиб, Пленум катнашчилари уни қизғин кутиб олдилар.

Мен бошлиқ звено, дейди у, ҳамма хил экинларни етиштиради, лекин унинг асосий вазифаси маккажўхори етиштиришдир. Биз 13 йилдан буён маккажўхори етиштириб келмоқдамиз. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб билан 75 центнердан дон олаётирмиз.

Ўртоқ Блажевский ўз звеосининг қандай қилиб бундай юксак натижаларга эриша олганлигини ҳикоя қилиб беради.

Аввало, дейди у, уруғни ғамлаб олиш керак эди. Район шароитига яроқли бўлган сортли уруғлик бизда йўқ эди. Ўзимиз учун зарур бўлган уруғлик навини етиштиришга менинг ўзим аҳд қилдим. 1947 йилда «Лиминг» сортини «Грушевской Одесской» сорти билан чатиштирдим. 500-600 грамм оғирлигида сўта берадиган жуда яхши гибрид етишди. Унга «Котовчанка» деган ном бердик.

Ерни ишлашга алоҳида аҳамият бердик. Кузги буғдой ўриб олингандан кейин буғдой поя ларни ҳайдадик. Далаларга ҳар гектар ер ҳисобига 8-10 центнердан чириганг гўнг, бир центнердан суперфосфат, кул чиқариб солдик. Участкани 28 сантиметр чуқурликда ҳайдадик. Қишда қорни тўсдик, кўкламда эса ерни юмшатиш билан намни саклаб қолдик. Экиш олдидан ерни культивация қилдик ва ҳар гектар майдонга суперфосфат ва товук гўнги аралаштирилган бир тоннадан чириган гўнг солдик. Экишдан бир неча кун олдин ерни яна бир марта культивация қилдик ва тупроқни текислаб чиқдик.

Экинни квадрат-уялаб (70х70) экдик, экин экилиши билан ерларни молаладик, 4-5 кундан кейин эса тупроқни яхши юмшатиш учун енгил бороналадик.

Маккажўхори ўн кундан кейин униб чиқди. Экинни узунасига ва кўндаланг ига чопиқ қилиб, ҳар бир уяда иккитадан ўсимлик қолдирдик. Ҳар 10 кундан кейин ерларни яна икки марта юмшатиб турдик.

Маккажўхори ўсгандан кейин эрталабки соатларда уни икки марта чанглатдик (чанглатишни бундан кечроқ соатларда ўтказиш мумкин эмас, чунки у вактда кун жуда қизиб кетган бўлади ва доривор бекорга кетади).

Кузда ҳосилни йиғиштирдик. гектаридан 114,8 центнердан дон йиғиб олдик!

Ана шундан буён, деб давом қилади нотиқ, биз 13 йил давомида муттасил юқори ҳосил етиштириб келмоқдамиз. Мен ва звенода ишлаётган олти хотин-қиз ҳозирги вактда 20 гектарлик участкада ҳосил етиштирмоқдамиз. 1960 йилда биз муваффақиятсизликка учраб, участкада экинни қайта экдик, чунки экинни жуда барвакт эккан эдик, кўклам эса нижиқ келди: дастлаб иссик бўлди, кейинчалик эса ҳаво совуб кетди ва униб чиққан экинлар ҳалок бўлди. Звено шунга қарамай ҳар гектардан 72 центнердан дон олди.

Шундай бўлса ҳам, дейди Ўртоқ Блажевский, маккажўхоранинг мавжуд сорти мени қаноатлантирмайди. Бу сорт жуда кеч пишиб етилади. Мен совет олимларига ва Германия, Мўғулистон, Хитой олимларига хат ёздим. Хитойдан менга профессор Ли Дин-Сюн жавоб қайтарди. У менга «Дзинь Хуан-хоу» («Золотая императрица») маккажўхорисини юборди. Маккажўхорининг бу сорти сентябрь ойининг охирларида — октябрь ойининг бошларида пишиб етиладн. Мен 1959 йилда бу сортни «Чвенкантин» сорти билан чатиштирдим ва уч ҳафта илгари пишиб етиладиган гибрид олдим. 1960 йилда бу сорт гектаридан 85-90 центнер ҳосил берди.

Нотиқ, август ойи бошларида пишиб етиладиган маккажўхори сорти яратишга ҳаракат қилаётганлигини айтади. Бу, қанд лавлаги ҳосилини йиғиб олмоқ учун ишчи кучларини эртароқ бўшатиб бериш соҳасида жуда муҳимдир. Ўртоқ Блажевский янги, эртапишар «Бело-зубовидний» сортини етиштирди. Бу сорт 100-105 кун ичида пишиб етилади ва колхоз август ойининг ўрталарида гектаридан 50-55 центнердан дон йиғиб олади. Маккажўхори йиғиштириб олинганидан кейин ерларга кузги экинлар экиш мумкин.

Агар кузги экинлар озуқа учун ёз бошларида ўриб олинса, дейди Ўртоқ Блажевский, шунинг кетиданоқ «Бело-зубовидний»ни экиш ва сентябрь ойининг охирларида пишиб етилган донни йиғиб олиш мумкин.

Н. С. Хрушчев. Қанча ҳосил олдингиз?

Е. В. Блажевский. 40-45 центнердан дон олдик.

Бизнинг звено, дейди сўзининг охирида Ўртоқ Блажевский, партиянинг XXII съезди шарафига «Дзинь Хуан-хоу» деган сортли маккажўхори экилган ўн гектар ернинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон ҳосили, эрта пишар «Бело-зубовидний» сортли маккажўхори экилган беш гектар ернинг ҳар гектаридан 65 центнердан дон ҳосили олиш мажбуриятини олади.

Орёл областидаги «Ленинское знамя» колхозининг раиси Ўртоқ **С. Н. Фак** минбарга чиқади. Мен раҳбарлик қилаётган колхоз, деди у, йирик, кўп тармоқли хўжаликдир. Биз катта майдонларда каноп, қанд лавлаги, картошка етиштирмоқдамиз. Жамоат чорвачилиги кенг ривожланди. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленумидан кейин колхозда катта ўзгаришлар рўй берди. Колхознинг экономикаси мустаҳкамланди, ғалла экинларининг ҳосилдорлиги ошди, гўшт ва сут етиштириш ҳамда давлатга сотиш олти-етти марта кўпайди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳам анча кўпроқ етиштирилмоқда ва давлатга сотилмоқда. Ҳамма хил моллар сони кўпайди. Қишлоқ хўжалик артели, дейди Ўртоқ Фак, ҳар йили гектаридан 250-270 центнердан қанд лавлаги олмоқда.

Н. С. Хрушчев. Қанчадан картошка олдиларингиз?

С. Н. Фак. Бу йил 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 102 центнердан ҳосил олдик.

Н. С. Хрушчев. Сизлар 102 центнердан картошка, 270 центнердан қанд лавлаги олибсизлар. Агар молларга ёдириладиган қанд лавлагини кўпроқ экканларингиз, картошкага қараганда икки-икки ярим баравар ортик озуқа единицаси олар эдиларинг. Мана сизга гўшт, мана сизга пул

С. Н. Фак. Жуда тўғри, Никита Сергеевич. Бу йилдан эътиборан озуқа учун лавлаги эка бошлаймиз.

Н. С. Хрушчев. Мен сизларга Ўртоқ Фак тўғрисида баъзи фактларни эслатиб ўтмоқчиман. У, колхоз раиси бўлиб ишлар эди, ишни яхши ташкил этган эди. Колхозчиларнинг норозилигига қарамай уни район партия комитетининг секретари қилиб тайинлашди. Шунда колхозчилар Марказий Комитетга хат ёзиб, Ўртоқ Факни колхоз раислиги вазифасига қайтарилишини сўрадилар. Мен бу хатни Марказий Комитет Пленумида ўқиб берганлигимни эҳтимол эслассаларинг керак. Шундан кейин Ўртоқ Факни колхозга қайтариб юборишди, у ҳозир колхозда ишлаб турибди.

Ўртоқ Фак, Пленумга маккажўхори етиштириш ҳақида гапириб беради. 1960 йилда 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 685 центнердан сўтали кўк поя олинди. Бу нарса ҳар бир сигир учун 42 тоннадан силос тайёрлаш имкониятини берди.

Хўжалик ўсиши билан бир қаторда, деб давом қилади колхоз раиси ўз сўзида, кишилар ҳам ўсмоқда. Ф. Г. Масловнинг машиналаштирилган звеноси 195 гектар ернинг ҳар гектаридан қўл меҳнати сарфламай, 845 центнердан сўтали маккажўхори кўк пояси етиштирди. Чўчқабоқар П. И. Мосина ҳар бир она чўчқадан 25 тадан чўчқа боласи олди. Қишлоқ хўжалик артелида илғор сут соғувчилар, механизаторлар, қурувчилар билан ҳам фахрланадилар.

Колхозчиларнинг, дейди нотиқ, моддий фаровонлиги йил сайин яхшиланмоқда, маданий савияси ошмоқда Қишлоқ хўжалик артелининг пул даромадлари кейинги етти йил ичида 650 минг сўмдан, нархларнинг эски миқёсида 8 миллион сўмгача кўпайди. Хўжалик ва маданий-маиший қурилишга кўплаб маблағ сарфланмоқда.

Сўнгра, Ўртоқ Фак колхозни ривожлантириш перспективалари тўғрисида гапиради. Қишлоқ хўжалик артелининг меҳнаткашлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг янги резервларини қидириб топмоқдалар. Улар, ўз олдиларига: бу йил ҳамма экин майдонида гектаридан 15 центнердан ғалла олиш, 300-350 центнердан қанд лавлаги, 10 центнердан каноп толаси, гектаридан 150 центнердан картошка олиш, гўшт етиштиришни 60 процент, сут етиштиришни 30 процент кўпайтириш вазифасини қўйдилар. Йирик қора моллар сонини 40 процент, шу жумладан сигирлар сонини 30 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Чорва молларининг зотини яхшилаш учун курашилмоқда. Маккажўхори экиладиган майдонлар 700 гектардан 1000 гектарга, сўтали кўк маккажўхори поясининг ҳосили эса, гектар бошига 800 центнерга етказилади. Буларнинг ҳаммаси бу йил қишлоқ хўжалик артелининг пул даромадларини нархларнинг янги миқёсида 1 миллион сўмгача етказиш имконини беради

Сўнгра, нотиқ деҳқончилик маданиятини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш тўғрисида, деҳқончилик ва чорвачиликни механизациялаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтириш учун кураш олиб бориш тўғрисида гапиради.

Ўртоқ Фак партия Марказий Комитети Пленумини ишонтириб айтдики, колхозчилар ўзларининг етти йиллигининг учинчи йилида олган мажбуриятларини бажармоқ учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар.

☆ ☆ ☆

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ **Н. С. Хрушчев** партия Марказий Комитети Пленумида нутқ сўзлади.

Раислик қилувчи муҳокама қилинаётган масала юзасидан музокараларда 43 киши сўзга чиққанлигини билдиради. Музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда. (ТАСС).

КОЛХОЗЧИЛАРГА ПЕНСИЯ

Калинин районидаги Сталин номли колхоз правлениеси кексайиб қолган колхозчиларга пенсия бериш янги тартибини белгилади. Унда колхоз ишлаб чиқаришида 25 йилдан ортиқ хизмат қилган, ёши 55 дан ошган аёллар ва ёши 60 дан ошган эркакларга ҳар ойига 20 сўмдан то 30 сўмгача пенсия бериб туриш назарда тутилади. Колхозда ана шундай кишилар 40 киши бўлиб, булардан Рашид Султонов, Мирзакарим Мирҳожиев, Ғанихўжа Мусаев ва Раҳимжон Мўминов сингари фидокор кексалар қишлоқ хўжалик ишларида ҳозир ҳам актив қатнашиб келмоқдалар.

Шунингдек, инвалид бўлиб, меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган кишиларга ҳам пенсия бериш жорий этилди.

Т. РАСУЛОВ.

Ваъдабозликдан амалий ишга ўтиш керак

(ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН).

Район партия конференциясининг делегатлари область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусаховнинг коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг якунлари ҳақидаги докладини зўр эътибор билан тингладилар.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда чиқиб сўзлаган «Ташавтомаш» заводининг токари В. Строганов, республика электр тармоқлари бюроси устахонасининг директори, кекса коммунист Ю. Гнездовский, «Маданият» колхози партия ташкилотининг секретари У. Исломов ва бошқа ўртоқлар Кенгаш қабул қилган ҳужжатларнинг тарихий аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар. Конференция қатнашчилари кенгаш якунлари кизғин маъқулланган резолюцияни бир овоздан қабул қилдилар.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган райком секретари Ўртоқ Қ. Маҳкамова қайд қилиб ўтдики, район меҳнаткашлари ўтган йили самарали меҳнат қилиб, кўплаб саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. Чорва молларининг туёғи кўпайди, унинг маҳсулдорлиги ошди. Саноат корхоналари давлат планларини муддатидан анча илгари ортиғи билан адо этдилар ва пландан ташқари қўшимча равишда 50 миллион 76 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Пахтачиликни ривожлантиришда ҳам бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Об-ҳаво ноқулайликларини моҳирлик билан енга билган «Қизил Ўзбекистон», «Маданият» колхозларининг аъзолари давлат пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар.

Лекин районда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмади. Бутун куч ва эътибор мўл ҳосил етиштиришга сафарбар этилмади. Шунинг учун ҳам районда ҳосилдорлик бир йилнинг ўзида 2 центнерданга камайиб кетди. Гектар бошига 32 центнердан ҳосил олинди ва йиллик план 93,74 процентда қолди.

Ҳар бир бригада ва колхозда меҳнат тўғри ташкил этилганида, илғор агротехника фани ютуқлари кенг жорий қилиниб, қўлга киритилган бой тажрибалар оммалаштирилганида район бўйича ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ҳосил олиш мумкин эди.

Пахта уруғчилиги ва селекцияси институти директорининг ўринбосари Ўртоқ А. Струвман бир хил шароитга эга бўлган Оржоникидзе райони билан Юқори Чирчиқ районининг ўртасидаги тафовутлар ҳақида гапирди.

— Бизда, дейди у, — пахта ҳосили бир йил ичида гектарига 2 центнерданга, айрим колхозлар бўйича эса 9-10 центнергача камайб кетган бўлса, Юқори чирчиқликлар бир йилнинг ўзида район бўйича гектар бошига 8 центнердан ошириб пахта етиштирдилар. Бунга асосий сабаблардан бири шуки, бизда алмашлаб экиш масаласи билан ҳеч ким шуғулланмай қўйди. Деҳқончилик маданиятини ошириш юзасидан олимлар берган қимматли маслаҳатга риоя қилинмаяпти. Пахта майдонлари зарарли ҳашаротлардан тозаланмаяпти.

Район партия комитети кадрлар билан ишлашни шу кунинг талаби даражасига кўтармаган. Кўп вақтлар уларга нисбатан талабчанлик қилинмайди. Бундан фойдаланган айрим ходимлар манманликка берилиб кетиб, олган мажбуриятларини бажаришни унутиб қўймоқдалар. Оммаонг бутун куч ва ғайрати хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга тўла сафарбар этилмаётир.

Хрушчев номли, «Сталинград» колхозларининг раҳбарлари шулар жумласидандир. Улар ўтган йили жиддий хатоларга йўл қўйдилар. Чигит экишни кечиктириб юбордилар. Ғўзага ишлов бериш ўз вактида сифатли ўтказилмади, суғориш ва озиқлантиришда агротехника қоидаларига риоя этилмади. Шунинг учун ҳам бу колхозлар районча оркага тортиб, ақалли йиллик пахта тайёрлаш планини ҳам бажармадилар.

Конференция залида планини бажармаган, ўз ваъдасининг устидан чиқмаган юқоридаги колхозларнинг раҳбарлари ҳам, жойларга борганларида жонли ташкилотчилик ишлари билан шуғулланмаган райкомнинг айрим вакиллари ҳам ўтиришибди. Лекин улар йўл қўйган хатоларини тузатиш учун хозир қандай ишлаётганликлари ҳақида бир оғиз ҳам гап айтмай ер чизишмоқда.

Тўғри, пахта тайёрлаш планини аранг 77,5 процент бажарган Киров номли колхозининг раиси Нуриддин Ғиёсов сўзга чиқди. Бироқ у ҳамма айбни об-ҳавога тўнкаб, ҳар галгидек бу сафар ҳам ўз нутқини катта ваъдалар бериш билан тугаллади. Колхозда кўкламги тайёргарлик ишларининг мутлақо қониқарсиз бораётганлиги ва ерга берган ваъдаларнинг пўкаклигини кўрсатиб турибди.

«Қизил Ўзбекистон» колхози партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Х. Элбўсинов колхозда пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбурият бажарилмай колганлиги ҳақида афсусланиб гапирди.

— Бунга асосий сабаб, — деди нотиқ, — биз бригада бошлиқларини ишчан, ғайратли, ташаббускор колхозчилар ҳисобига мустаҳкамламадик. Мусобақадошларнинг тажрибасини пропаганда қилишни унутиб қўйдик. Биз оммавий-сиёсий ишларни тубдан яхшилаб, партиямизнинг навбатдаги, XXII съездини қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида катта ғалабаларга эришган ҳолда кутиб оламиз.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, сўзга чиққан айрим делегатлар район партия комитетининг фаолиятидаги камчиликларни очиб ташлаш ўрнига, ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг ишидан ҳисоб бериш билангина чегараландилар. 227-УНР бошлиғи В. Ханин, СоюзНИХИ партия ташкилотининг секретари В. Кандратук, «Ташавтомаш» заводининг директори И. Припусковларнинг нутқи ана шундай бўлди.

Конференцияда сўзга чиққан делегатлар аҳоли ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашни яхшилаш, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми материалларини кенг пропаганда қилиш юзасидан кимматли фикрлар айтдилар.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Қ. Маҳкамова, И. Л. Срибний ва М. Қосимов ўртоқлар райком секретарлари қилиб сайландилар.

М. ҒОЗИЕВ.

Маҳаллий Советлар сайловига тайёргарлик

Тошкент областининг шаҳар ва қишлоқларида 18 январда меҳнаткашлар депутатлари область Советига сайлов ўтказувчи комиссия составига кандидатлар кўрсатиш бошланди. Корхоналар ва муассасаларнинг коллективлари, колхозчилар, жамоат ташкилотлари халққа ҳалол хизмат қилиш, коммунистик қурилишда актив иштирок этиш билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган кишиларни ўз кандидатлари қилиб кўрсатмоқдалар.

Область сайлов комиссияси составига Тошкент область касаба союзлари советининг раиси И. Раҳматов, область комсомол комитетининг секретари У. А. Абуразоқов, Чирчиқ электркимё комбинатининг смена бошлиғи С. С. Хачиянц, Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ортиқов, «Ўзбекуголь» комбинати кон устини очиш разрези меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи Р. Г. Виноградова, Оржоникидзе райондаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси З. Комилова ва бошқалар кўрсатилди. (ЎзТАГ).

Ёш пайвандчиларнинг область кенгаши

ЧИРЧИҚ, 18 январь. (ЎзТАГ). Бугун Чирчиқда область комсомол комитетининг ташаббуси билан чақирилган пайвандлаш ишлаб чиқариши ёш илғорлари ва новаторларининг область кенгаши бўлиб ўтди.

Украина ССР Фанлар академияси Патон номли институтнинг ходими П. Лисенко «СССРда пайвандлаш ишлаб чиқаришининг мураффақиятлари» ҳақида доклад қилди. Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик саноати бошқармасининг старший инженери А. Файзиев янги пайвандлаш ускуналари ва материалларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тўғрисида гапириб берди. «Ўзбекхиммаш», «Чирчиқэлектромаш», «Ангренгрэсстрой» заводларининг, Бекобод металлургия заводининг ва бошқа корхоналарнинг новаторлари иш тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

Кенгаш қатнашчилари автоматик пайвандлаш учун энг янги аппаратларнинг фотостенди ва чертёжлари билан танишдилар. «Ўзбекхиммаш» заводидаги новатор пайвандчилар тажрибасига бағишланган техника кинофильмини тамоша қилдилар, Чирчиқ корхоналарига экскурсияга бордилар.

Телевизор экранида

19 ЯНВАРДА

19.00 «Ёшлар клуби» (рус тилида).

19.45. Сўнгги ахборот.

20.05. Халқаро масалалар юзасидан ўзбек тилида эшиттириш.

20.20. Илмий-атеистик лекторий (ўзбек тилида).

20.40. Саноат ходимлари учун рус тилида эшиттириш.

20.55. Киноповесть — «Капитан Дабач»

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заллари да

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Травиата**, 20/I да **Марварид қидирувчилар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Тоға-жиянлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Фарғона ҳикояси**, 20/I да **Нурхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг давоми.** Тамоша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Шовқин-суронли кун (кеч соат 8 яримда). **Кўчма қалъа** (янги кенг экранли бадиий фильм, кундуз ва кечқурун) «ВАТАН». **Лўлилар чайласидаги дўстлар** — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Эски Чикагода — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Тирилиш — «МИР» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (кеч соат 5 кеч 8-10 минут ва 10 да).

Оливер Твист — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Олекса Довбуш — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
20, 21 январда
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

концертлари

Ансамблдан: Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Мехри Абдуллаева, Дилором Шерова**, солистлар **Холисхон Қодирова, Манзура Мўминова, Равшан Мўминова, Роҳат Маннонова, Акбар Мўминов, Тошмемир Шарипов, Сайфиддин Йўлдошев, Болта Шарипов**, филармониядан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Кундуз Миркаримова** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Бодомзор кўчаси, 9-уйда турувчи **Ҳожимурод Турсуновнинг** шу уйда турувчи Александра Ивановна Сиятскаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхозда соғин сигирлардан тобора кўп сут соғиб олинаётир. Молбоқарлар, сут соғувчилар сигирларни зоотехника қондаларига риоя қилган ҳолда парвариш қилаётганликлари туфайли юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Суратда: сигирлар прогулкага олиб чиқилган пайт.

В. Салов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИН ИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали: Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими —29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими —29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00445. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б. 1514.